



Элбек АБДУЛЛАЕВ,  
Фаргона давлат университети ўқитувчиси

PhD, доцент Махмудов О.В. тақризи асосида

### ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА БОБУРИЙЛАР МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация

Истиклол йилларида мамлакатимизда буюк аждодларимизнинг азиз номларини қайта тиклаш, улар меросни асраб-айлаш ва келажак авлодларга етказиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бу эса халқимизнинг ўлмас қадриятларга, буюк аждодларимиз қолдирган илмий адабий меросга бўлган юксак ҳурмат-эътиборнинг ёрқин тимсолидир. Бунда буюк меросини тиклаш, уларни асраб-авайлаш ва ёшларга етказиш миллий қадриятларимиз асосини ташкил этмоқда. Ушбу мақолада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳамда Бобурийлар маънавий меросининг аҳамияти илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** маънавият, қадрият, маънавий мерос, “Бобурнома”, бобурийлар сулоласи, бобурийлар маънавий мероси.

### ЗНАЧЕНИЕ ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ БАБУРИСОВ В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ В ДУХЕ ПАТРИОТИЗМА

Аннотация

За годы независимости в нашей стране была проведена масштабная работа по восстановлению имен наших великих предков, сохранению их наследия и передаче его будущим поколениям. Это яркий символ высокого уважения нашего народа к бессмертным ценностям, научному и литературному наследию, оставленному нашими великими предками. В то же время восстановление великого наследия, его сохранение и передача молодежи - основа наших национальных ценностей. В этой статье научно исследуется важность воспитания молодежи в духе патриотизма, а также духовное наследие бабуров.

**Ключевые слова:** духовность, ценности, духовное наследие, «Бобурнома», династия Бабури, духовное наследие Бабури.

### THE IMPORTANCE OF THE SPIRITUAL HERITAGE OF THE BABURIS IN EDUCATING YOUNG PEOPLE IN THE SPIRIT OF PATRIOTISM

Abstract

During the years of independence, a large-scale work has been carried out in our country to restore the names of our great ancestors, preserve their heritage and pass it on to future generations. This is a bright symbol of the high respect of our people for the immortal values, the scientific and literary heritage left by our great ancestors. At the same time, the restoration of the great heritage, its preservation and transmission to the youth are the basis of our national values. This article scientifically examines the importance of educating young people in the spirit of patriotism, as well as the spiritual heritage of the Baburis.

**Keywords:** spirituality, values, spiritual heritage, “Boburnoma”, Baburi dynasty, Baburi spiritual heritage.

**Кириш.** Миллатимиз номини улуғлаган буюк аждодларимиз ҳақида сўз борар экан, йирик ўзбек адаби, тарихчи, давлат арбоби, етук саркарда, шоҳ ва шоир, Бобурийлар салтанати асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини фахр билан эътироф этамиз.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Улуғ бобомизнинг серташвиш ҳаёти ва жўшқин фаолияти сиёсий жиҳатдан инкирозга учраган Темурийлар давлатининг сўнгги даврига тўғри келди. Ушбу давр барча азоб-уқубатларини бошдан кечириш Бобур Мирзо чекига тушди. Тарих майдонида кечган турли қарама-қаршилиқлардан сўнг Бобур Қобул сари йўл олди. Она юрт соғинчи ва қайтиш истаги унга бир умр ҳамроҳ бўлса-да, ҳозирги Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистоннинг тарихий ҳудудларида улкан салтанат ташкил этди. Тарих зарвақларида бу давлат Бобурийлар сулоласи номи билан битилди.

Буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, улкан шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мовароуннахр тарихида ўчмас из қолдирган, Афғонистон ва Ҳиндистонда эса бир неча асрга татигулик бурилиш ясаган. Ушбу мамлакатлар халқларининг маданий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришларни амалга оширган. У Ҳиндистонда бобурийлар салтанатига асос солди ва тарқоқ мамлакатнинг сиёсий бирлигини таъминлади, унинг гуллаб-яшнаши учун асрлар оша ижобий таъсир кўрсатди.

Бобуршоҳ ва бобурий шахзодаларнинг ҳаёт йўли, уларнинг бекиёс бунёдкорлик ишлари, давлат бошқарувидаги ислохотлари, қолаверса, тарихий шахс сифатидаги қиёфаси хануз барчамизда катта қизиқиш уйғотади.

Бобур ота-боболарининг илм-маърифат ва мамлакат ободлиги йўлидаги эзгу ишларини давом эттириб, келгуси авлодларга катта мерос қолдирди.

“Маълумки, Марказий Осиё ва Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари, хусусан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзларини Чиғатой турклар авлодидан деб ҳисоблашган. Ўрни келганда, даштий мўғулларга нисбатан беписандлик билан қараганлари ҳолда, ушбу ўлкалар тарихида, уларнинг сиёсий ва маданий, маиший ҳамда иқтисодий ҳаётида чуқур из қолдирган буюк аждодлари ҳақида чуқур ҳурмат ва ғурур билан сўз юритишган”[1].

“Бобурийлар давлати ўрнатилган кундан бошлаб катта бир даврни қамраб олган бир юз саксон йиллик тарих салтанатнинг энг гуллаб-яшнаган, тараққиёт чўққисига чиққан фасли ҳисобланади. Аврангзеб ҳукмронлигидан кейинги даврдан бобурийлар салтанати тарихида сўниш палласи бошланган ва бу алоҳида тадқиқотлар ўтказишни такозо этади”[2].

**Тадқиқот методологияси (Research methodology).** Мақолада тадқиқ этилаётган мавзунинг ўрганишида тарихий манбалар ва илмий адабиётларга таянилади. Манбалардаги

маълумотларни мантикий жиҳатдан боғлаш жараёнида қиссий таҳлил услубидан фойдаланилди.

Бугунги кунда Бобур ва Бобурийларга тааллуқли кўплаб моддий бойлик ва асарлар, қўлёзмалар дунё бўйлаб кенг тарқалган. Масалан, унга тегишли ноёб қилич Нью-Йоркнинг Метрополитен музейида сақланади. Бобомизга инъом қилинган Кўхинур олмоси эса Буюк Британия қироллик оиласи томонидан тасарруф этилади. Буюк саркарда ва давлат арбоби Бобурнинг тарихий ашёлари дунё музейлари ва шахсий коллекциялардан жой олган.

Шунингдек, Ҳиндистонда ҳам Бобур ва Бобурийларга тегишли буюмлар, тарихий манбалар жуда кўп. 1528 йилда ёзилган “Девони Бобур”нинг асл қўлёзмаси ва 1640 йилда чизилган “Шаҳзода Доро Шукуҳнинг тўй маросими” миниатюрасининг нусхалари шулар жумласидан. Ушбу ноёб асарлар нусхалари Ўзбекистон Ташки ишлар вазирлиги кўмагида мамлакатимизга олиб келинди.

Бобур девони Шарқ мумтоз лирик жанрлардаги асарлар мажмуасидан иборат тўплам. Ҳозирги кунгача дунё қўлёзма фондлари ва кутубхоналарида Бобур девонининг 9 та қўлёзма нусхаси борлиги аниқланган.

“Бугунги кунда Бобурийлар қолдирган меросни ўрганиш ва халқимизга етказиш борасида Ташки ишлар вазирлиги, мамлакатимизнинг Ҳиндистон ва Покистондаги элчихоналари томонидан изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, буюк давлат арбоби, шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун арафасида Ҳиндистондаги элчихонамиз билан Рампур Раза кутубхонаси ҳамкорлигида Бобурийлар даврига оид қўлёзма ҳамда миниатюралар кўргазмаси ташкил этилди. Бобур асарларидан парчалар, Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Шоҳжаҳон ва Аврангзеб тасвирланган миниатюра, китоблардаги расм, бадиий асарлар кўргазма экспозициясидан жой олди”[3].

Қайд этиш жоиз, Ҳиндистонда 1774 йилда ташкил этилган Рампур Раза кутубхонасида Бобурга тегишли кўплаб қўлёзма, нодир экспонатлар сақланади. Музейнинг Бобурийлар даври тарихи, адабиёти ва санъати билан боғлиқ бўлими кўпчиликда алоҳида қизиқиш уйғотади. Машҳур “Девони Бобур”нинг асл нусхаси ҳам шу ерда сақланмоқда. Бобур унда ўз қўли билан битган сатрлар мавжуд.

Дарҳақиқат, халқлар ўртасидаги маънавий-маърифий, илм-фан соҳасидаги яқинлик буюк аждодлар қурдирган иморатларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Дехлидаги Ҳумоюн мақбараси, “Қизил қалъа”, “Кўҳна қалъа”, Аградаги “Тож Маҳал” ва Акбаршоҳ мақбараси каби мажмуалар Ҳиндистон ва Ўзбекистон умумий тарихи, маданий анъаналари ҳақида сўзлайди.

### Таҳлил ва натижалар(Analysis and Results).

Бобур ўзбек адабиётида ўзининг нозик лирик асарлари билан ҳам машҳурдир. Унинг ҳаёти ва адабий фаолияти Мовароуннаҳрда сиёсий ҳаёт ниҳоят мураккаблашган феодализмнинг бошбошдоқлик ҳаракатлари авжга чиққан ва Темурийлар давлатининг инқирози давом этаётган бир даврга тўғри келган эди. Бундай мураккабликлар инъикосини «Бобурнома»да кўрган бўлсак, уларнинг шоир руҳиятида қандай акс этгани унинг шеърларида намоён бўлади.

«Бобурнома» – Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири – XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари – ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзига қамраб олган шоҳ асардир. Шу боис «Бобурнома» тарихий ва адабий мерос сифатида дунё олимларини ҳайратда қолдириб келмоқда.

“Маълумки, Бобурнинг тарихий, илмий ва адабий меросини ўрганиш ва оммалаштиришда Ўзбекистон, Тожикистон, Россия олимларининг фаолиятлари ҳам диққатга сазовордир. XIX-XX асрлар давомида Георг Кер, Н.Ильминский, О.Сенковский, М.Салье, Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев, В.Зоҳидов, Я.Ғуломов, Р.Набиев, С.Азимжонова, А.Қаюмов каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан “Бобурнома” бир неча бор рус ва ўзбек тилларида чоп этилди, уларга сўзбоши ёзилди ва кенг китобхонлар оммасининг маънавий мулкига айлангилди, унинг шеърлари ҳам бир неча бор нашр этилди”[4].

Бобурийлар сулоласининг буюк намоёндаларидан Акбаршоҳ даври обидалардан бири – Лаҳор қалъасидир. У 1566 йилда барпо этилган.

Жаҳонгир ҳукмронлиги даврида қурилган “Хиронминор”, Жаҳонгир мақбараси, Шоҳжаҳон ҳукмронлик йиллари барпо этилган Шоҳжаҳон масжиди ва Шалимар боғлари жаҳон меъморчилигининг нодир дурдоналари ҳисобланади. Шалимар боғлари 1981 йили ЮНЕСКО рўйхатига кирилган.

**Хулоса ва тақлифлар(Conclusion/Recommendations).** Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари томонидан қолдирилган бебаҳо илмий ва маънавий-маданий мерос эса буюк бобокалонларимиз билан фахрланиш, юртни, Ватанни севиш туйғуларини янада жўш урдиради.

### АДАБИЁТЛАР

1. Сатимов, Ғофуржон. Бобурийзодалар. Тарихий-маърифий рисола: - Т.: «Sharq», 2016.
2. Рустамов И. Ўзбекистон тарихи фанидан услубий кўрсатма. Фарғона, 2009 й.
3. Қодиров П. “Бобур”. Тошкент. “Шарқ”. 2002.
4. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). Тошкент, 2001.
5. Жалилов С. Шаҳзода Бобур. Тошкент. “Movarounnahr”. 2013.



*Ihtiyor BOHODIROV,*  
*O'zMU tayanch doktranti*  
*Bahodir JURAYEV,*  
*O'zMU Harbiy tayyorgarlik o'quv markazi katta o'qituvchisi*

*T.f.d., professor M.Haydarov taqrizi asosida*

#### ARMY AND MILITARY EDUCATION IN TURKESTAN IN XIX CENTURY (ON THE EXAMPLE OF BUKHARA)

Annotation

The article focuses on the military situation in the Bukhara Emirate in the XIX century from the Central Asian states, their methods of armament, the system and essence of military-administrative management. During this period, Central Asian countries lagged behind the developed world in terms of military armaments and military tactics, according to archival and important sources. The article notes the reforms implemented by some heads of state in the 19th century in order to preserve the country's independence and territorial integrity in the face of growing internal and external threats.

**Keywords:** Regular army, irregular army, askarya, navkariya, to'pchibashi, karacherik, tufang, ellikboshi, dahboshi, guard, jibachi.

#### АРМИЯ И ВОЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В ТУРКЕСТАНЕ В XIX В(В ПРИМЕРЕ БУХАРЫ)

Аннотация

В статье посвящена военному положению Бухарского эмирата в XIX веке со стороны Среднеазиатских государств, их способам вооружения, системе и сущности военно-административного управления. В этот период, согласно архивным данным и важным рукописным источникам, государства Центральной Азии отставали от развитого мира по военным вооружениям и военной тактике.

**Ключевые слова:** Регулярная армия, нерегулярная армия, тупчибаши, карачерик, туфанг, элликбаши, дахбаши, караулбеги, джибачи.

#### TURKISTONDA XIX ASR O'RTALARIDA ARMIYA VA HARBIY TA'LIM (BUXORO MISOLIDIDA)

Annotatsiya

Maqolada XIX asrda O'rta Osiyo davlatlari Buxoro amirligi, Xiva va Qo'qon xonliklaridagi harbiy sohadagi vaziyat, bu davlatlarning qurollanish usullari, harbiy-mamuriy boshqaruv tizimi va mohiyatiga to'xtalgan. Bu davrda O'rta Osiyo davlatlarining harbiy qurollanish va harbiy taktika sohasida rivojlangan dunyo mamlakatlaridan ortda qolib ketganligi arxiv malumotlari va muhim manbalar asosida yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Muntazam qo'shin, nomuntazam armiya, askariya, navkariya, to'pchiboshi, qoracherik, to'fang, ellikboshi, dahboshi, qorovulbegi, jibachi.

**Kirish.** O'zbekiston tarixida harbiy soha tarixi juda chuqur tarixiy ildizlarga egadir. Qariyb 3000 yillik yo'lni bosib o'tgan davlatchiligimiz tarixida Harbiy san'atning o'rni beqiyos bo'lgan. Manbalarning guvohlik berishicha, ajdodlarimiz hamisha o'z jasorati, shijoati va vatan himoyasi uchun fidoiyligi bilan ajralib turgan, ular o'zlarining harbiy sohadagi mahorati va matonati bilan bir necha yirik saltanatlar barpo etganlar. Tarixiy tadqiqotlarning ko'rsatishicha, vatanimiz hududida davlatchilik rivojlanib, jadal taraqqiyot sodir bo'lgan davrlarda harbiy soha ham rivojlanib, yuksalgan. Aksincha, siyosiy parokandalik va tarqoqlik davrlarida esa harbiy soha ham turg'unlikga uchragan. XIX asrdagi yurtimizdagi harbiy-siyosiy vazihat huddi shunday murakkab davrlardan biri bo'lgan. Bu davrda Buxoro amirligi, Xiva va Qo'qon xonligida mamlakatda markaziy hokimiyatni mustahkamlash, ichki siyosiy barqarorlikga erishish, hududiy yaxlitlikni saqlash, qo'shni davlatlar hisobidan davlat chegaralarini kengaytirish, mintaqada siyosiy yetakchilikni egallash maqsadida harbiy sohada turli islohotlar amalga oshirishga harakatlar amalga oshirilgan. Bun islohotlar jahon harbiy san'at andozalari talablari darajasida bo'lmasada, bu sohada malum oldinga siljishlar kuzatilgan.

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili (Literature review).** Mavzuga tegishli asosiy adabiyotlarni uch davrga ajratish mumkin. Birinchisi Rossiya imperiyasi mustamlakachiligi davri (colonial davr). Bu davrda yaratilgan adabiyotlarning ko'pchiligi ulug' davlatchilik mafkurasida yaratilgan, ammo ular juda ko'plab aniq statistim ma'lumotlarni o'z ichiga qamrab olgan.

Ikkinchi davr, XX asrning 20-80 yillarida yozilgan, yani sovet davrida yaratilgan adabiyotlardir. Bu davrda yaratilgan adabiyotlarda mavzu, asosan, sovet mafkurasida tahlil etilgan. Uchinchi davr esa, O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishganidan so'ng nashr etilgan tadqiqotlardir.

#### Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology).

Maqolaning yozilish jarayonida umummilliy metodlardan foydalanildi, xususan, tizimli, tarkibli, funksional, qiyosiy tahlil, bashorat qilishning mantiqiy va tarixiy yondashuvlaridan keng foydalanildi.

**Tahlil va natijalar (Analysis and results).** O'rta Osiyo davlatlarida XIX asrga kelib ichki va tashqi siyosatda harbiy soha muhim ahamiyat kasb etgan. XVIII asrda xonliklardagi qo'shin nomuntazam harakterga ega bo'lib, ular ichki ayniqsa tashqi xavfni bartaraf etishga qodir emas edi. XIX asr boshlariga kelib bu holatdan to'g'ri xulosa chiqargan davlatlar hukmdorlari muntazam qo'shin tashkil etish, uni mustahkamlash va yaxshi qurollantirish masalasiga katta e'tibor bera boshlaganlar.

Buxoro amirligida muntazam qo'shintuzish masalasi Amir Haydar (1800-1826) davrida boshlangan va u muntazam qo'shin "navkariya"ni tashkil etgan. Amir Haydar davrida Buxoro amirligida armiya endi "navkariya" (muntazam) va "qoracherik" (nomuntazam) qo'shinga bo'linadigan bo'ldi.

Amir jarchilari boshlanadigan harbiy harakatlar haqidagi xabarni bozorlarda e'lon qilgan. Bozorlarga "qoracherik" ga olinuvchilar ro'yxati osib qo'yilgan. Harbiy harakatlar davomida va amirlik chegaralaridagi harbiy qal'alarni himoyalashda "qoracherik" dan unumli foydala-

nilgan. Xususan, mamlakat chegarasini qalalarni qo'riqlashga safarbar etilgan "qoracherik" azolari malum vaqt shu yerda ushlab turilgan. Tanqili olim V.L. Vyatkini ko'rsatishicha amirlikning janubiy qal'asi Sherobodni 100 nafar askar qo'riqlab turgan va ular har oйда almashtirib turilgan. Mamlakatda tinchlik hukm surgan davrlarda qoracherik o'z uylariga qaytarib yuborilgan [1].

Amirlikda muntazam qo'shin tuzish borasidagi harbiy islohotlar amir Nasrullo davrida nihoyasiga yetkazilgan. Buxorolik tarixchi Ahmad Donish amir Nasrullo haqida shunday yozgandi: "U vazmin va qo'rqmas, qattiqqo'l va zukko hukumdor edi. El va ulusda fitna chiqarishda nom chiqargan yoki ilgari amirlarga nisbatan ko'rmamaklik qilganning barchasini jazoladi, o'z tarafdorlarini siyladi [2]".

1837-yil amir Nasrullo harbiy islohot o'tkazib muntazam qo'shin tuzgan. Islohotga ko'ra sarboz (piyoda askar), navkar (otliq qo'shin) va to'pchil askarlardan iborat 3 turdagi muntazam qo'shin tuziladi. XIX asr o'rtasidagi malumotlarda ko'rsatilishicha, dastlab muntazam qo'shin asosini Buxoro amirligidagi asirlar tashkil etgan edi. Voqealar guvoglarining yozishicha, 1837-yildayoq 1000 dan ortiq asirlardan 800 kishi muntazam piyoda askarlik – sarbozlikka, 250 dan ortiq kishi esa artilleriya qo'shinlari – to'pchilar safiga qabul qilingan edi [3].

Amir Nasrullo 1837-yil harbiy islohotlar davomida maxsus musiqchilar guruhini ham tuzadi. Bu qismda 14 do'mbirachi, 14 surnaychi, 6 ta karnaychi, 2 ta turkcha do'mbira mavjud bo'lgan [4]. 40 kishidan iborat musiqchilarga yuzboshi unvonidagi harbiy dirijyorlik qilgan.

Amir Nasrullo o'zi tuzgan qo'shinni bir joyda saqlashga harakat qilgan. Buxoro shahrining tashqarisida – O'g'lon va Talipoch darvozalarining o'rtasidagi yerda xar bir sarboz va to'pchi oilasi uchun uy qurdiriladi. Shu tariqa Buxoro atrofida "Sarbozxona" nomi bilan mashhur bo'lgan, 800 uydan iborat harbiylarning muntazam yashash manzillari shakillangan.

O'rta Osiyo xonliklarida xizmat muddati cheklanmagan edi. Buxoroda muntazam qo'shinni asosini tashkil etuvchi sarbozlar va to'pchilar o'zlari uchun ajratilgan yer – Sarbozxonada qurdirilgan uylarda yashab, turli xunarlar va savdo-sotiq bilan mashg'ul bo'lganlar

XIX asr 30-yillaridagi malumotlarga ko'ra, Buxoro amirligida 19000 nafar askar bo'lgan. Qo'shinga Buxoro viloyatidan 12000 askar, Samarqanddan 2500, Qarshidan 2500, Maymanadan 1000, Qorako'ldan 1000 nafar askar yetkazib berilgan. Buxoro askarlariga bir yilga rus rubli bilan hisoblaganda 150 rubl ajratilib, uning bir qismi bug'doy, jo'xori, pichan bilan to'langan.

Amirlikda amir Oliy bosh qo'mondon edi. Bosh qo'mondon esa "to'pchiboshi" (vaziri harbi) hisoblangan. Amirlikda lashkarni harbiy ko'rikdan amir o'tkazgan. Amir ishtirok etmagan vaqtlarda bu vazifa bosh vazir – qo'shbeigi yelkasga yuklatilgan.

Buxoro amirligida qo'shin ichidagi tartib intizom ishlariga ham alohida e'tibor berilgan va bu masalalar bilan asosan "qozi askar", "muhtasib" va "muftiy askar" lar mas'ul bo'lgan. Ular quyidagi vazifalarni bajarganlar:

Muhtasib (muhtasib askar) – askarlarning shariat qonun-qoidalariga qanchalik amal qilayotganini nazorat qilgan;

Qozi askar – harbiylar orasida sodir bo'lgan jinoyat ishlarni, arizalarni ko'rib chiqqan va ular yuzasidan hukm chiqargan;

Muftiy askar – qozi askar chiqargan hukmlarni shariatga qanchalik mos ekanligini tekshirgan;

XIX asr birinchi yarmida Buxoroda 500 kishilik askardan iborat o'linmaga – pansodboshi, 100 askarga – yuzboshi, 50 askarga – panjaboshi, 10 likga – dahboshi rahbarlik qilgan.

Xonliklarning markaziy boshqaruv tizimida muhim o'rinni egallagan ko'pgina mansab egalari harbiy soxada ham muayyan unvonlarga ega edilar. Jumladan, XIX asr 20-yillarida Buxoroda bo'lgan E.K.Meyendorfnig iborasi bilan aytganda, amirlikda "polk komandiri" – mavqeyiga ega to'qsoba, "bir necha polk komandiri" mavqeyiga ega dodhoh, qo'shin qo'mondoni yoki marshall mavqeyiga ega parvonachi kabilar mavjud edi. Amirlikdagi bunday harbiy unvonlar va mansablarga egalari umumiy nom bilan "sarkarda" deb ham atalgan[5].

Buxoroda Harbiy harakatlarni rejalashtirish, Harbiy kuchlarni jang maydoniga to'g'ri taqsimlash ishi naqiblar zimmasiga yuklatilgan. O'ziga xos shtab boshlig'i sifatidagi bu shaxs XVIII asr oxiridagi Buxoroda bitilgan manba ma'lumotlariga ko'ra, Harbiy yurishlar paytida qo'shinning tuzilishi, qurollanishi va joylashuvi, uning harakatlanishi va urush olib borishi borasida yetarli darajada bilimga ega bo'lib, u qo'shinning old, orqa qismi, o'ng va chap qanoti, markazi va pistirmalari haqida yetarlicha malumotga ega bo'lgan [6].

Bu davrda Buxoro amirligida askarlarning moddiy axvoli juda yaxshi bo'lmagan. Markaziy hokimyat tomonidan to'lanadigan maosh ularning kundalik ehtiyojlariga doim ham yetavermas edi. Quyidagi tarixiy ma'lumot buning yorqin isbotidir. "Askarlar hukumdor va hokimlar o'tkazadigan ko'rikga ozoda va chiroyli kiyimlarda kelishga harakat qilganlar. Butun va ozoda kiyimi yo'q askarlar esa, eskilar bilan savdo qiluvchi lattafurushlardan bir necha soatga kiyimboshni ijaraga olib, ko'rikga kiyib borardilar, ko'rik tugagandan so'ng yana o'zlarining eski-tuskilariga o'ranib olar edilar" – deb yozadi shu davr muallifi [7].

XIX asr 1-yarmida Buxoroda sipholar va qora olomon deb ataladigan nomuntazam qo'shin askarlari yiliga 6 tilla maosh olganlar. Ularga pichan sotib olish uchun 1 tilla pul, shuningdek, 5 botmon jo'xori va bug'doy berilgan [8].

Harbiy yurishlarni boshlanishi va e'lon qilinishi bilan askarlar o'zlari uchun ijaraga ot olar edilar. Bunday qo'shinda harbiy intizomga har doim ham rioya qilinavermas edi. XIX asr muallifi Buxorodagi qo'shinning ahvoli haqida "Olomon juda kam holatdagina o'z otiga egadir... harbiy yurush boshlanishi haqidagi buyruqni olganlaridan keyin ular harbiy yurishlar uchun otni ijaraga oladilar" – deb yozar ekan, bunday yurishlarda qatnashgan askarlar oziq-ovqat zahirasining tugab qolishi oqibatida tezda tarqalib ketishini ham ko'rsatib o'tadi. Uzoq davom etgan yurishlar vaqtida esa oziq-ovqati tugagan, o'zi ham, oti ham holdan toygan askarlar egarjadbug'i, kiyim-boshi, qurol-aslahasini non va oti uchun yemga almashtirish hollari ham sodir bo'lib turgan. Askarlarning oziq-ovqati zahirasi tugab, uyga ketish hollari jangning eng qizg'in pallasida ham sodir bo'lishi mumkin edi. Bu esa harbiy to'qnashuvlarning muvaffaqiyatsizlik bilan yakunlanishiga olib kelar edi. Faqat ayrim hollardagina, askarlarning bazi birlariga xon tomonidan ot berilar edi[9].

Buxoro amiri Nasrullo dastlab o'zi tuzgan muntazam qo'shinning ehtiyojlarini kundalik narsalar berish berish orqali qoplashga harakat qilgan. Keyinchalik esa, xususan, 1856-yildan boshlab esa, muntazam qo'shinning asosiy kuchlari – sarbozlar va to'pchilar har 3 oyda maosh oladigan bo'ldilar. Jumladan oddiy askarlar 1 tilla, daxboshlar esa 1,5 tilla miqdorda maosh olganlar. Amirlikda qo'shin rahbariyatining taminoti turli viloyatlar va tumanlardan keladigan daromad hisobidan ham amalga oshirilgan. 1856 yilga oid ma'lumot buni tasavvur etishga yordam beradi. Unda "muntazam qo'shinni saqlash uchun ikkita tuman – Zandana va Kishti yerlaridan keladigan daromad ajratilgan edi. Bu yerlarni ijaraga berish va u yerlardan keladigan daromadni yig'ish sarbozlar boshliqlariga topshirilgan bo'lib, bu ko'p hollarda ular tomonidan turli suistemolliklarning yo'lga qo'yilishiga olib keladi, shu sabab sarbozlar va daxboshlar ularga ajratilgan maoshning faqat yarminigina ola boshladilar" – deb qayd etiladi.

Buxoroda qo'shin rahbariyati quyidagi miqdorda maosh bilan ta'minlangan. Jumladan, yuzboshi oyiga 6 tilla, qorovulbegi 4,5 tilla, panjaboshi 85 tanga, panjaboshi-xurd 50 tanga maosh olgan. Qo'shinning bosh qomondoni 2000 tan ga maosh olgan [10].

Harbiy yurishlar davrida ham qo'shin askarlariga malum miqdorda maosh to'langan. Buxoro amirligida Harbiy harakatlar davrida mansab va unvonidan qat'iy nazar qo'shindagi har bir shaxsga kuniga amir xazinasidan 1 tilla berilgan. Bundan tashqari oddiy sarbozlar va to'pchilar 3 kun uchun 1 tanga, dahboshi 2 kun uchun 1 tanga, qorovulbegi 1 kun uchun 2 tanga, yuzboshi esa kuniga 4 tanga pul olgan [11].

Buxoro amirligida muntazam qo'shin maxsus kiyim-bosh bilan taminlangan. Sarbozlar va to'pchilarning kiyim-boshi qizil, qora va sariq rangli movutdan tikilgan ustki kiyim – kamzul, oq kalenkor shim, va qorako'ldan tikilgan qalpoqdan iborat bo'lgan. Keyinchalik esa qo'shin orasida echki terisidan tikilgan, ancha pishiq va chidamli shimlarni kiyish urf bo'lgan. Muntazam qo'shinga xar 3 yilda yangi kiyim-bosh berilgan. Askarlarga har bir yurush oldidan bir juft etik berilgan.

Bu davrda barcha O'rta Osiyo davlatlaridagi harbiy qurollarni shartli ravishda "sovuq qurol-yarog'lar" va "o'tochar qurol-aslahalar"ga ajratish mumkin edi. Sovuq qurol-yarog'larga – xanjar, kamon, pichoq, qilich va boshqalarni kiritish mumkin. Davrlar o'tishi bilan janglarda o'tochar qurollarni salmog'i ortib borgani sari bunday qurollar o'z ahamiyatini yo'qota borgan. XIX asr 20-yillarida Buxoroda bo'lgan E.K.Meyendorf Buxoro amirligi askarlarining "pilta miltiq, uzun nayza va egri qilich" bilan qurollanganliklari, ularning ayrimlari "kalta sovut, temir dubulg'a kiyganlari va ho'kiz terisidan yasalgan qalqon"ga ega bo'lganliklarini takidlab o'tgan [12].

XIX asrning 30-yillarida amirlikda bo'lgan P.I.Demezov esa, Buxoro askarlari haqida yozar ekan, ularning "ayrimlari sovut kiyishadi va juda oz xollardagina temir dubulg'a kiyadilar va kichkina qalqonga egalar. Buxoro askarlari kamondan o'q otish mahoratini mutlaq yo'qotganlar", - deb qayd etadi [13].

O'rta Osiyo davlatlarida o'tochar qurollar ham mavjud bo'lgan, bular pilta miltiqlar, to'fang va to'plardan iborat edi. Buxoroda pilta miltig'i bor askarlar "to'fangchi va botirlar" deb atalgan. To'fang O'rta Osiyoda XVI asrdan Shayboniylar (1500-1601) sulolasi davridan boshlab ishlatila boshlangan.

XIX asr o'rtalariga kelib O'rta Osiyo davlatlari qo'shinida o'tochar qurollar salmog'i oshadi. Amir Nasrulloning muntazam qo'shini bunday qurollar bilan nisbatan yaxshi taminlangan edi. Sarbozlar nayzali miltiq bilan, to'pchilar esa to'ppocha, qilich bilan qurollangan edilar. O'nboshilarning qurollari ham shunday edi. Yuzboshilar esa ikki stvolli miltiq, pistolet va qora, kumush bilan ishlov berilgan "buxoro qilichlari" kabi qurollarga ega edi.

XIX asr o'rtalariga kelib Buxoro qo'shinida turkmanlar orqali amir qo'liga tushgan fors to'plarini ham, Xitoyda "xristian missionerlari" tomonidan quyilgan to'plarni ham, shuningdek, "xitoychi" nomi ostida mashxur bo'lgan falkonetlarni ham uchratish mumkin edi. Falkonetlar – kichik kalibrli to'plar bo'lib, tuyalarni ustiga maxkamlab bog'lab foydalanilgan. Falkonetlarni Erondan olib kelingan deb taxmin qilinadi. Bu davrga oid malumotlarga ko'ra, Buxoro amiri ixtiyorida umumiy hisobda turli kalibrlik 50 ta to'p bo'lib, ular kerakli anjomlar bilan taminlangan va Harbiy yurushga taxt xolda saqlangan. To'plarining 32 tasi Buxoroning o'zida, 2 tasi Jizzaxda, 1 tasi Kerkida, 10 tasi O'ratepada, 1 tasi Chorjo'yda va 4 tasi Zominda saqlangan [14].

To'plarga qarovchi to'pchilar ayrim hollarda asirga tushgan shaxslardan saralab olingan. Jumladan Buxoro amirligida to'plarga rus va fors asirlari qarab turganlar. Xiva xonligida ham to'plarni soz axvolda saqlashga javobgar bo'lgan shaxslar ichida asirlarni uchratish mumkin edi.

O'rta Osiyoda davlatlarida poroxni ham ishlab chiqarish yo'lga qo'yilgan. Porox ishlab chiqaruvchi hunarmandlar "dorukash" deb atalgan. Buxoro amirligida porox ishlab chiqaruvchi asosiy ustaxonalar Qarshi shahrida joylashgan edi. Xonliklarda turli qurol-yarog'lar ishlab chiqaruvchi ustaxonalar ham mavjud edi. Samarqand yirik degrezlik markazi hiosblanib, to'plar shu shaharda tayyorlangan.

Harbiy yurishlar davrida amirlikda har 10 ta sarboz va to'pchiga bitta chodir ajratilgan. To'pchilar harbiy yurishlar vaqtida har bir to'p uchun 500 tadan o'q olib yurushga majbur bo'lganlar, chunki yo'lda uchragan shaharlarda qurol-aslaxa sotuvchi "hech qanday do'kon" bo'lmagan edi [15]. Sarbozlar uchun to'p o'qi va o'qlar tuyalarda tashilgan. Artilleriya qurol-yarog'lari qo'shinning o'rtasida qo'rxonada saqlangan.

Harbiy yurishlar vaqtida qo'shin bilan birga savdogarlar va turli ishchilar ham birga yurar edi. Ishchilar yer qazish, yo'llarni, ko'priklarni tamirlab, to'g'rilab borishlari lozim edi. Jumladan, Buxoro amirining 1842-yil Qo'qonga nisbatan olib borgan Harbiy harakatlari davomida qo'shin bilan birga 2000 nafar ishchi ham ishtirok etgan.

Harbiy harakatlar davomida muntazam qo'shinning turli qismlari zimmasiga bir qancha vazifalar yuklatilgan edi. Jumladan, Buxoro amirligida o'tochar qurollardan foydalanishda mohir sanalgan sarbozlarning vazifasi artilleriyani himoya qilishdan iborat edi. Artilleriyani himoya qilish mobaynida sarbozlar odatda uncha katta kuch yo'qotmaganlar, hujum paytida esa ular o'z tarkibining deyarli yarmisini yo'qotar edilar. Masalan, 1842-yilda Qo'qonni ishg'ol qilish jarayonida buxorolik sarbozlarning deyarli yarmisi yo'qotilgan edi [16].

Buxoro amirligida harbiy harakatlarda hujum qilish yoki mudofa maqsadida turli usullardan foydalanganlar. Bunday usullar sirasiga mudofa davrida aholi yashash manzillari atrofiga handaqlar qazish va ularni suv bilan to'ldirishni keltirish mumkin. Jumladan, amir Nasrulloning 1845-yili Shahrisabzga yurishi davomida Shahrisabz begi Xoja Quli o'ziga qarashli Shahrisabz, O'rta Qo'rg'on, Kitob hududlarini handaqlar bilan birlashtirib, hosil bo'lgan hududiy birlikning o'rtasiga aholini joylashtirgan edi. Buxoro amirining qo'shini esa 1852 va 1854-yillarda Shahrisabzga qilgan yurishlari mobaynida bu hududga tog' suvlarini yuborish, so'ngra uning suv taminotini bo'g'ib qo'yish kabi usullar bilan bu yerda g'alaba qozonishga harakat qilgan [17].

Buxoro amirligida amir Muzaffar (1860-1885) davrida avvalgi hukumdorlar davrida amalga oshirilgan harbiy islohotlar yutuqlari zaiflasha boshlangan. Ahmad Donish bu haqida shunday yozib qoldiradi: "O'tasi zamonida harbiy yurishlarda pishgan sarkardalarni qatl ettirib, o'rinlariga "tagi past kishilarni va g'ulomlarni" tayinlagan. Rusiya o'lkasi bostirib kirganda esa, tagi past, nodon va g'ayratsiz sarkardalar juftakni rostlab qoldilar, to shu vaqtgacha ulardan ozor chekib kelgan askarlar g'ulomlarga xizmat qilishni or bilib tarqab ketdilar. Natijada barcha viloyatlar Rusiya qo'liga tushdi" [18].

**Xulosa.** Xulosa qilib aytganda bu davrda Buxoro amirligida ichki va tashqi siyosatda harbiy kuchlarning ahamiyati tobora ortib boradi. Garchi bu davlatlarda muntazam harbiy qo'shin tuzish va uni kuchaytirishga, qurol aslahani yangilashga malum darajada harakat qilganlar. Bo'lajak Rossiya imperiyasi tajovuji xavfining ortib borishi bunday intilishlarni kuchatirgan. Ammo o'zaro urushlar, feodal tuzum asoslarining kuchilligi, xonliklarning iqtisodiy va sanoat sohasida jahon davlatlaridan ortda qolganligi, Harbiy sohada xalqaro hamkorlikning sustligi bunga yetarli darajada imkon bermagan. XIX asr o'rtalariga kelib O'rta Osiyo davlatlarida qo'shin, uning tuzilishi va tarkibi, harbiy tayyorgarligi o'sha davrdagi zamon talablaridan, yangi harbiy texnikadan, jang taktikalaridan orqada qolgan edi.

## ADABIYOTLAR

1. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. – T.: Sharq. 2012. - p. 126.
2. Azamat Ziyo. History of Uzbek statehood. - Tashkent: Sharq. 2000. - p. 282.
3. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. – T.: Sharq. 2012. - p. 127
4. Troitskaya A.L. Military affairs in Bukhara in the first half of the 19th century. P. 213.
5. Meyendorf E.K. Travel from Orenburg to Bukhara. – M.: Nauka. 1975. P. 139.
6. Semenov A.A. Bukhara treatise on the ranks and titles and duties of their carriers in medieval Bukhara // Sov. Vostokoved. M.-L., 1948. Issue. V. 137-153.
7. Meyendorf E.K. Travel from Orenburg to Bukhara. – M.: Nauka. 1975. - p. 140.
8. Meyendorf E.K. Travel from Orenburg to Bukhara. – M.: Nauka. 1975. - p. 139.
9. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. – T.: Sharq. 2012. - p. 133.
10. Troitskaya A.L. Military affairs in Bukhara in the first half of the 19th century. – Dushanbe. 1953. P. 214.
11. Troitskaya A.L. Military affairs in Bukhara in the first half of the 19th century. –Dushanbe. 1953. P. 214.
12. Meyendorf E.K. Travel from Orenburg to Bukhara. – M.: Nauka. 1975. - p. 140.
13. Alimova D., Rtvladze E. Essays on the history of statehood of Uzbekistan. - Tashkent: Sharq. 2001. - p. 124.
14. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. – T.: Sharq. 2012. -p. 141.
15. Troitskaya A.L. Military affairs in Bukhara in the first half of the 19th century. – Dushanbe. 1953. – p. 216.
16. Troitskaya A.L. Military affairs in Bukhara in the first half of the 19th century. – Dushanbe. -p. 216.
17. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. – T.: Sharq. 2012. -p. 145.
18. Azamat Ziyo. History of Uzbek statehood. - Tashkent: Sharq. 2000. - p. 283-284.



УДК:94 (575.1)

**Акмал ЙЎЛДОШЕВ,**

*Бухоро давлат университети ўқитувчиси*

*E-mail: akmatyuldash114@gmail.com*

*БухДУ доценти, т.ф.ф.д. (PhD) Рашидов О.Р. тақризи асосида.*

#### A LOOK AT THE HISTORY OF UZBEK PUBLIC ORGANIZATIONS IN KYRGYZSTAN

Abstract

This article is a scientific observation about the history of national cultural centers and theater of the Uzbeks living in the Kyrgyz Republic. Also, on the basis of historical facts, information is provided on the persons working in these public organizations, and scientific conclusions are made about their role in society.

**Key words:** Kyrgyzstan, Uzbeks, charter, national cultural center, congress, leader, deputy, adult, values, traditions, customs, theater, tours, culture.

#### ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ УЗБЕКСКИХ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В КЫРГЫЗСТАНЕ

Аннотация

Данная статья представляет собой научное наблюдение об истории национально-культурных центров и театра узбеков, проживающих в Кыргызской Республике. Также на основе исторических фактов приводится информация о лицах, работающих в этих общественных организациях, и делаются научные выводы об их роли в обществе.

**Ключевые слова:** Кыргызстан, узбеки, устав, национально-культурный центр, съезд, лидер, депутат, взрослый, ценности, традиции, обычаи, театр, гастроли, культура.

#### ҚИРГИЗИСТОН ЎЗБЕКЛАРИ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Аннотация

Ушбу мақолада Қирғизистон Республикасида истиқомат қилаётган ўзбекларнинг миллий-маданий марказлари ва театри тарихи ҳақида илмий мушоҳада юритилади. Шунингдек, ушбу жамоат ташкилотларида фаолият юритган шахслар ҳақида тарихий фактлар асосида маълумотлар келтирилган ва уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида илмий хулосалар чиқарилган.

**Калит сўзлар:** Қирғизистон, ўзбеклар, устав, миллий-маданий марказ, қурултой, лидер, депутат, вояга етган, кадрият, анъана, урф-одат, театр, гострол, маданият.

**Қириш.** Қирғизистон Республикасида истиқомат қилаётган ўзбекларни ижтимоий жиҳатдан бирлаштиришда қатор жамоат муассасалари, бирларшмалари ва матбуот органларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, “Ўзбеклар жамияти”, “Ўзбеклар миллий-маданий маркази”, З.М. Бобур номидаги “Ўш Давлат ўзбек Академик мусикали драма театри”, “Ижодкор” ижодий уюшмаси, “Ўш садоси” газетаси, “Жалолобод тонги” (“Янги тонг”) газетаси, “Ахборот” ва ҳоказолар.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Қирғизистон ўзбекларининг жамоат ташкилотлари тарихини ўрганишга қаратилган манбалар шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратилди: 1) архив ҳужжатлари материаллари; 2) даврий матбуот материаллари; 3). Шахсий суҳбат материаллари. Архив материаллари гуруҳига Ўзбекистон Миллий архиви (ЎМА) фондлари ва жамоат ташкилотларининг жорий архивлари киритилган. Жумладан, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши (М-2-фонд) билан боғлиқ фондда 1992–2017 йиллар давомида Марказий Осиё ўзбеклари сони, машғулот, миллий-уюшмалари, миллий урф-одатлари, ўзаро маданий алоқалар, делегация алмашувлари ҳақида анчагина маълумотлар тўпланган [1]. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (М-57-фонд) фондида «Туркистон – умий уйимиз» рукнида берилган кўрсатув ва эшиттиришларида Қирғизистон ўзбекларининг жамоат арбоблари иштирок этганлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган [2]. Мақолада 2017 йил 19 майда ташкил топган «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси»нинг “МДХ давлатлари билан алоқа боғлаш бўлими” жорий архиви фондлари, шунингдек, Қирғизистондаги ўзбек

миллий уюшмалари ва ташкилотлари жорий архиви материаллари илмий муомалага олиб кирилди.

Иккинчи гуруҳ манбаларга Қирғизистонда чоп этилган ўзбек тилидаги матбуот органлари киритилди. Жумладан, «Ўш садоси», «Жалолобод тонги» («Тонг»), «Ахборот» газеталари ва «Адабий ахборот» журналларининг материалларидан тадқиқотда имкон қадар фойдаланилди.

Учинчи гуруҳ манбаларига бевосита Қирғизистон Республикасида истиқомат қилаётган ўзбек зиёлилари, жамоат ташкилоти фаоллари ва ўзбек матбуотида фаолият олиб бораётган журналистлар билан қилинган суҳбатлар киритилган. Ушбу суҳбатлар орқали жамоат ташкилотлари ва матбуот органларининг ҳозирги кундаги ҳолати ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритилган.

Қирғизистон Республикасидаги илк “Ўзбек миллий-маданий маркази” 1991 йил апрелда ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятини Ўш шаҳридаги З.М.Бобур номидаги театр биносида журналист ва ёзувчи Мирзохид Мирзороҳимов (1991-1993 йй.-Дисс.) раҳбарлигида бошлаган. Унинг устави 1991 йил 8 майда Қирғизистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. Ўш миллий-маданий маркази уставида ушбу марказга, вояга етган, муомала лаёқатига эга бўлган 18 ёшдан кичик бўлмаган Қирғизистон фуқаролари аъзо бўлиши ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги меъёр белги-ланган [3].

“Ўзбек миллий-маданий маркази”нинг асосий мақсади мамлакатда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва ривожлантириш, Қирғизистонда истиқомат қилаётган ўзбек миллати вакилларининг миллий ўзликни сақлаб қолишга йўналтирилган маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш, ўзбек тили, маданияти, адабиёти, тарихи, урф-одатлари ва анъаналар-

ни сақлаб қолиш чораларини кўриш, республика ҳудудида яшовчи ўзбек ва қирғиз халқлари, шунингдек, бошқа миллат ва элатлар вакилларининг бирдамлигига йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш, оммавий ахборот воситалари, театр, турли хил миллий-маданий уюшмалар ташкил этиш кабилар белгиланган.

Ўш вилоят “Ўзбеклар миллий-маданий маркази”ни 1994 йил ноябрдан бошлаб Қирғизистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутаты Даврон Собиров бошқарган [4]. Даврон Собировнинг бошқаруви даврида миллий маданий марказнинг фоллиги ўзининг юкори даражасига кўтарилиб, ўзбекларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлар, ўзбекларнинг миллий-маданий марказ атрофида бирлашиши, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўмаклашиш кабиларда намоён бўлиб, бу даврда ўзбекларнинг нисбатан барқарор иқтисодий ўсиши кузатилган. Унинг “Ўш садоси” газетасининг 1995 йил 20 майдаги сонидида босилган “Ўз уйимизда бегона эмасмиз” номли мақоладаги очик хати фикримизни исботлайди. Мақолада ўзбек кадрларининг давлат бошқарув органларида, куч ишлатувчи тизимларда фаолият кўрсатмаётганлиги, ўзбек кадрларни тайёрлашга эътиборнинг пасайганлиги, Ўзбекистонга бориб таҳсил олишга турли тўсиқларнинг мавжудлиги, ахборот олишга ниҳоятда қийинчилик тортаётганлиги, айниқса Ўзбекистондаги газеталарга обуна жараёнларининг қийинлаштирилиб қўйилганлиги, миллий-маданий маркази биносини қуриш учун ер майдони ажратилиш пайсалга солинаётганлигини таъкидланганлиги фикримизнинг яққол далилидир [5].

1997 йил 20-ноябрда Ўш вилоятининг туман ва шаҳарларидан 153 делегат иштирок этган Ўш вилоят миллий-маданий марказининг навбатдаги конференциясида бошқарув органининг раёсати сайланиб, Ўш қирғиз-ўзбек университети ректори, академик М.Т.Мамасаидов Ўш вилоят “Ўзбек миллий-маданий маркази”нинг президенти этиб сайланди [6].

Унинг даврида Б.А.Фаттоҳов, А.А.Собиров, Б.Ж.Жўраев, А.М. Махаммадов, Х.Собирова, А.Олимжонова, О.Тожибоев, Ш.А.Аҳмедов ва бошқа бир қатор фидоийлар билан биргаликда маданий-марказнинг фаолиятини ривожлантиришга киришилиб, Қирғизистон халқларининг дўстлиги ва бирлигини мустаҳкамлаш ишлари, умумтаълим мактаблари учун дарсликлар яратиш тизими, кўшни вилоятлар билан биродарлик алоқаларини ривожлантириш чоралари каби қатор ижтимоий масалаларга катта эътибор берилди [7]. Қирғизистондаги 2005 йил март воқеаларидан сўнг давлат сиёсатининг беқарорлиги туфайли “Ўзбек миллий-маданий маркази” фаолияти пасайиб, марказ раҳбарлиги учун кураш кескин тус олди. Бу курашда асосан икки лидер Даврон Собиров ва Мухаммаджон Мамасаидов чиққан бўлса, кейинчалик, яъни 2006 йилга келганда миллий-маданий марказ 5 гуруҳга бўлиб кетди. 2003 йилдан 2008 йил 19 апрелигача қадар МММнинг қурултойи муддати асоссиз равишда ортага суриб борилди [8]. Лидерлар ўртасидаги ўзаро кураш, юзага келган парокандалик туфайли ҳал этилиши лозим бўлган қўплаб муаммолар ўз ечимини топмасдан қолди.

2008-2010 йиллар давомида “Ўзбек миллий-маданий маркази”ни Ж.С.Салоҳиддинов бошқариб, ўзбек миллатига хос турли маросимлар, урф-одат, анъана, қадриятлар, миллий руҳ ва менталитетни сақлаб қолиш масалаларига эътибор қаратди. Бу даврда миллатлараро муносабатлар чигаллашиб борди. Ушбу муаммоларга ечим излашди, зиддиятларни бартараф этишга оид тақлифларни ҳуқуқатга тақдим этиб, ўзбек миллатининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўришди [9].

2010-2018 йилларда ўзбек миллий-маданий марказини Б.А. Фаттоҳов бошқарди. Унинг даврида ҳам

миллатлараро муносабатларни юмшатиш, ўзбек ва қирғиз дўстлигини тиклаш, миллий-маданий марказ фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолди. Марказ фаолити оғир кунларни бошидан кечирди. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазиятнинг издан чиққанлиги, миллатларнинг бир-бирларига нисбатан тожовузқорона ҳаракатлари туфайли марказ фаолиятида биров пасайиш кузатилиб, унинг фаолиятини чеклашга урунишлар ҳам шу даврга хос хусусият бўлиб қолди. Аммо маданий марказ ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан келиб чиқиб, Қирғизистон Республикаси қонунлари асосида фаолиятини давом эттирди ва ҳозирги кунда ҳам Қирғизистон Республикасида ўзбек миллати вакилларининг асосий уюшмаси саналади [10].

2018 йилда Б.С. Кодиров ўзбек миллий-маданий маркази раҳбари этиб сайланди. Давлатлараро муносабатларнинг юмшаганлиги, чегаралар ва анклавлардаги муаммоларнинг бартараф этишга қаратилган чораларнинг амалга оширилганлиги, ҳуқуқатлараро келишувлар ва битимларнинг хаётга тадбиқ этилиши натижасида бу даврда марказ фаолиятида янги даврни бошланганлиги ва кескин ўзгаришларнинг бўлганлиги билан фарқланади.

2005 йил 23 июлда Ўш шаҳри мериясининг мажлислар залида учувчи-космонавт Солижон Шариповга Қирғизистоннинг фахрий фуқароси унвони берилганлиги муносабати билан шаҳар аҳолиси билан учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу учрашувда 107 нафар делегатлар иштирокида шаҳар раҳбарияти Ўш шаҳрида “Ўзбек миллий-маданий маркази”нинг филиалини яратиш учун таъсисчи Қурултой ўтказди. Қирғизистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари Б.З.Жўраев, Д.М.Собиров, Республика ўзбек миллий-маданий маркази президенти М.Т.Мамасаидов, Ўш шаҳар кенгаши раиси Т.Л.Латифжонов ва Қурултой делегатлари Ўш шаҳрида “Ўзбек миллий-маданий маркази” тузиш тақлифини бир овоздан қўллаб-қувватладилар. Бошқарув органи сайланиб, 75 нафар аъзодан иборат кенгаш тузилди ва 27 кишидан иборат марказ президиуми ўз фаолиятини бошлади. 2009 йил январ ойида Ўзган, Қора-Сув, Араван ва Новкат миллий-маданий марказлари ташкил этилиб, марказ раислари сифатида Ўзган туманида - Абдурахмонов Ҳотамжон, Қора-Сув туманида - Хожибуваев Авазбек, Араванда - Бозорбоев Абдуллажон, Новкат туманида - Ойбек Олимжоновлар иш бошладилар [11].

Ўш шаҳар “Ўзбеклар миллий-маданий маркази”нинг 2008 йил 8-ноябрда бўлиб ўтган II-қурултойи делегатлари Рашидхон Хўжаевни шаҳар маркази президенти этиб сайлади. Унинг даврида марказнинг иш услуби сезиларли даражада ўзгарди. Марказда кўмиталар, ҳудудий кенгашлар, ёшлар бўлимлари фаолияти ташкил этилиб, таълим муассасалари билан мунтазам алоқа ўрнатилди. Жумладан: марказ ҳар йили ўрта ҳисобда 20 дан ортиқ иқтидорли ва салоҳиятли ўрта мактаб битирувчиларини бюджет асосида Томск давлат архитек-тура ва қурилиш институтига юборишга муваффақ бўлди [12]. Марказнинг фаоллиги туфайли шаҳардаги 22 та умумтаълим мактаби, 30 та масжидни ўзбек миллати вакиллари бошқаради, 37 киши ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлайди, саккиз киши Ўш шаҳар кенга-шининг депутаты, 1 киши Ўшнинг вице-меридир [13].

З.М.Бобур номидаги “Ўш Давлат ўзбек Академик муסיқали драма театри” Қирғизистондаги илк профессионал театр бўлиб, 1914 йилда Раҳмонберди Мадазимов томонидан асос солинган. Ушбу театрнинг вужудга келишида Болтахожи Султонов, Абдуқодир Исмоилов, Иброҳим Мусабоев, Бекназар Назаров, Жўраҳон Зайнобиддинов, Назирхон Камолов, Абдурашидов Эшонхонов, А.Саидов, Иномжон Саидов, Абдуқодир Ишқоқов, Исроилжон Исмоилов, Жалил Собитовларнинг ҳам хизматлар улкан ҳисобланади [14].

Илк бор театрда “Падаркуш”, сўнгра “Туркистонлик табиб” асарлари сахнага олиб чиқилди. Театр расман 1929 йилдан бошлаб ўзининг профессионал фаолиятини бошлади. 1934 йил тетатр жамоаси ўзинг илк гострол сафарини Ленинград, Москва ва Тошкент шаҳарларига уюштириб, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” спектакллари ижро этишди. 1936 йилда театрга С.М.Киров, 1992 йилда эса З.М.Бобур номи берилган бўлса, 2004 йилда эса театрга “Академик” мақоми берилди.

Йиллар давомида театрга Рахмонберди Мадазимов, Болта Махмудов, Уринбой Рахмонов, Гуломжон Исроилов, Фаина Анатольевна Литвинская, Собиржон Юлдашев, Эркин Муродов, Жўрабой Махмудов, Салоҳиддин Умаров, Махмуджон Гуломов, Бообек Ибраев, Абдурашид Бойтемиров, Ганижон Холматов, Каримжон Юлдашев ва Набижон Мамажонов каби санъат усталари режиссёрлик қилиб, “Ўзбекистон қиличи”, “Босқинчиларга ўлим!”, “Фронт”, “Аёл иззати”, “Баҳор”, “Фарход ва Ширин”, “Умр қўшиғи”, “Олтин қўл”, “Аёл шаъни”, “Баҳор”, “Семурғ”, “Келинлар кўзгалони”, “Тўйлар муборак”, “Майсаранинг иши”, “Алишер Навоий”, “Жаннатга йўл”, “Соҳибқирон”, “Чўлпон”, “Қиёмат”, “Урушнинг сўнгги қурбони” каби юздан ортиқ асарларни сахнага олиб чиқишди [15].

Театрда фаолият олиб борган санъаткорлар орасидан 10 нафари Қирғизистон халқ артисти, 3 нафари Ўзбекистон халқ артисти, 26 нафари Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист, 2 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 7 нафари Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, 15 нафари Қирғизистон маданияти аълочиси каби унвонларига сазовор бўлишди.

Ижодий жамоа Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Шарқ тароналари” халқаро фестивали, Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган фестивали, “Андижон баҳори” фестивали, “Арт-Ордо” халқаро театр фестивалининг 1998, 2002, 2004, 2007, 2012, 2019-йиллардаги совирдори ҳисобланади[16]. 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев З.М. Бобур номидаги “Ўш Давлат ўзбек Академик мусикали драма тетри”ни капитал таъмирлаш мақсадида 5 миллион доллар миқдорда сармоя ажратди ва театр тўлиқ қайта тамирланмоқда.

**- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Мустақиллик шароитида миллий ўзликни англаш ва

миллий менталитетни сақлаб қолиш шароитида вужудга келган жамоат ташкилотлари Қирғизистон ўзбекларининг ижтимоий манфаатларини ўзида ифода этди. “Ўзбеклар жамияти” ва “Ўзбек миллий-маданий маркази” фаолиятида ўзбекларни бирлаштириш, миллий кадрлар, урф-одат ва анъаналарни асраб авайлаш, ўзбек тили бирлигини сақлаб қолиш кабилар намоён бўлди. Иқтисодий қийинчиликлар, мамлакатдаги этносий жараёнларнинг беқарорлигига қарамасдан ушбу жамоат ташкилотлари ва матбуот органлари ўз фаолиятини давом эттирди. 2016 йилга келганда Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатларининг ўзгариши туфайли чегаралар очилиб, ўзаро алоқалар яхшиланди. Миллий марказлар ва матбуот органларининг фаолиятида катор ижобий ўзгаришлар рўй бериб, уларнинг Ўзбекистон билан алоқалари қайта жонланди.

**- Хулоса ва таклифлар.** Хуллас, Қирғизистон ўзбеклари ижтимоий ҳаётида фаол иштирокини ўзида намоён этган Қирғизистон Республикаси “Ўзбеклар миллий-маданий маркази”, “Ўзбеклар жамияти” ва З.М. Бобур номидаги “Ўш Давлат ўзбек Академик мусикали драма тетри” фаолиятида ўзбекларнинг фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини амалга ошириш, миллий ўзликни англаш ва ҳимоя қилиш, давлат ва жамоат ишларини бошқариш-даги иштирокини таъминлаш, касбий кизиқиларини кондирини, илмий-техник ва бадий ижодкорликни ривожлантириш, хайрия ишларида қатнашишини таъминлаш, маданият, спорт соҳаларида тадбирлар ўтказиш, ўзбек ёшларини инсонпарварлик руҳида тарбиялаш доирасида фаолият юритиш кабиларда ўз ифодасини топмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб Қирғизистон Республикасида фаолият олиб бораётган “Ўзбеклар жамияти”, “Ўзбек миллий-маданий маркази” ва ўзбек тилидаги матбуот органларини моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш, жумладан, уларни бино, иншоот, транспорт ва бошқа моддий техника воситалари билан таъминлаш даврий зарурат ҳисобланади. Марказий Осиё давлатлари ўртасида интеграцион жараёнларнинг куртаклари намоён бўлаётган бир даврда бу каби омиллар минтақа ўзбекларининг Ўзбекистонга бўлган ижобий қайфиятини шакллантиради ва ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Миллий Архиви. М-2 фонд, 1-рўйхат, 167,168,171-ийгма жилдлар.
2. Ўзбекистон Миллий Архиви. М-57 фонд, 1-рўйхат, 671, 672,673-ийгма жилдлар.
3. Ўш вилоят “Ўзбек миллий-маданий маркази” жорий архиви. Қирғизистон Республикаси Ўш вилоят “Ўзбек миллий-маданий маркази” Устави. 2 ырақ. (2018 йил 25 апрель куни олинди.)
4. Муаллифнинг шахсий суҳбат материаллари. Барно Исоқова билан суҳбат. 2021 йил 10 13 октябрь.
5. “Ўш садоси” газетасининг 1995 йил 20 майдаги сони.
6. “Ўш садоси” гагетасининг 1997 йил 22 ноябр сони; Ўш вилояти ўзбек миллий-маданий маркази жорий архиви, 1997 йилги йиғилиш баёнлари йиғма жилди, 79-81 ырақлар. (2019 йил июнда мурожаат этилди.)
7. Ўзбек миллий-маданий марказининг жорий архиви. Йиллик ҳисоботлар 2015-2019 йиллар. (2019 йил июнда мурожаат этилди.)
8. Исоқова Б. “Ўзимизникилар сотишар шаксиз” // “Ахборот” газетасининг 2008 йил 18 апрел № 5-41 сони.
9. Муаллифнинг шахсий суҳбат материаллари. Барно Исоқова билан суҳбат. 2021 йил 16 октябрь.
10. Ўзбек миллий-маданий марказининг жорий архиви. Йиллик ҳисоботлар 2015-2019 йиллар. (2019 йил июнда мурожаат этилди.); Муаллифнинг шахсий суҳбат материаллари. Муҳаммадамин Исмоилов билан суҳбат. 2021 йил 5 октябрь.
11. Ўш миллий-маданий марказининг жорий архиви. 2005 йил марказ йиғилишлари баёнлари. 2019 йил июнда мурожаат этилди.
12. Ўш шаҳар ўзбек миллий-маданий марказининг жорий архиви. Йиллик ҳисоботлар 2012-2015 йиллар. 2019 йил июнда мурожаат этилди; Муаллифнинг шахсий суҳбати. Акбарали Алиев билан суҳбат. 2021 йил 4 октябрь.
13. Ўш шаҳар ўзбек миллий-маданий марказининг жорий архиви. Йиллик ҳисоботлар 2015-2018 йиллар. 2019 йил июнда мурожаат этилди.
14. “Ўш садоси” газетасининг 2019 йил 5 октябрь 41 (11105)-сон
15. Муаллифнинг шахсий суҳбат материаллари. Аъзам Раҳимов билан суҳбат. 2021 йил 14 октябрь.
16. “Ахборот” газетасининг 2019 йил 5 октябрдаги № 01-(96) сони.



**Рухиддин ПАТХИДДИНОВ,**  
Наманган давлат университети таянч докторанти  
E-mail: [ruxiddin-p@mail.uz](mailto:ruxiddin-p@mail.uz)

НамДУ профессори, т.ф.д. А.Н.Расулов тақризи асосида

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БЕЗГАК КАСАЛЛИГИ

Аннотация

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили безгак касаллигидан 300-500 миллион одам касалланиб, 1,25-1,27 миллион одам ҳалок бўлади. Ўзбекистон 2006 йилда ЖСТ томонидан “безгаксиз ҳудуд” деб тан олинган бўлсада, касалликнинг ташқаридан кириб келиш хавфи йўқолмаган. XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида Фарғона вилоятида энг кўп тарқалган касаллик безгак бўлиб, аҳолига ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан кўплаб муаммолар туғдирган. Ушбу мақолада XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида Фарғона вилоятида безгак касаллиги тарқалиши ва унинг оқибатлари, касалликка қарши кураш, Россия империяси ва совет ҳукуматининг бу борада олиб борган сиёсати архив манбалари, даврий матбуот материаллари ва бир қатор адабиётларни таҳлил этган ҳолда ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** безгак, эпидемия, тропик безгак, уч кунлик безгак, хинин, иситма.

### МАЛЯРИЯ В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация

По данным Всемирной организации здравоохранения, ежегодно малярией заражаются 300-500 миллионов человек, а умирают 1,25-1,27 миллиона человек. Хотя Узбекистан был признан Всемирной организацией здравоохранения в 2006 году «зоной, свободной от малярии», риск заболевания извне не исчез. В конце XIX - начале XX веков малярия была самым распространенным заболеванием в Ферганской области, вызывая множество социальных и экономических проблем. В данной статье рассказывается о распространении малярии в Ферганской области в конце XIX - начале XX веков и его последствиях, борьбе с болезнью, политике Российской империи и советского правительства в этом отношении, анализируя архивные источники, периодические издания и количество публикаций.

**Ключевые слова:** малярия, эпидемия, тропическая малярия, трехдневная малярия, хинин, лихорадка.

### MALARIA IN FERGANA REGION

Annotation

According to the World Health Organization, 300-500 million people are infected with malaria each year and 1.25-1.27 million die. Although Uzbekistan was recognized as a "malaria-free zone" by the World Health Organization in 2006, the risk of the disease from outside has not disappeared. In the late 19th and early 20th centuries, malaria was the most common disease in the Fergana region, causing many social and economic problems. This article describes the spread of malaria in the Fergana region in the late 19th and early 20th centuries and its consequences, the fight against the disease, the policy of the Russian Empire and the Soviet government in this regard, analyzing archival sources, periodicals and a number of publications.

**Keywords:** malaria, epidemic, tropical malaria, three-day malaria, quinine, fever.

**Кириш.** Туркистон ўлкасида, хусусан Фарғона водийсида безгак касаллиги кенг тарқалган касалликлардан бири бўлган. Фарғона водийсида безгакнинг эндемик ўчоқлари мавжуд бўлиб, касаллик аҳоли ўртасида доимий равишда йилнинг барча фаслларида кузатилган. Йилнинг август ва сентябр ойларида эса, касаллик тарқалиши ўзининг авж нуктасига етган. XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида Фарғона водийсида тез-тез безгак эпидемиялари юз берганини кўриш мумкин.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Ушбу мавзунинг ёритишда Ўзбекистон Миллий архивининг И.1, И.19 ва Р.40-фондларидан кенг фойдаланилди. Шунингдек, XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида Фарғона вилоятида фаолият олиб борган, ҳудуд соғлиқни сақлаш тизими билан яхши таниш бўлган рус олим ва шифокорлари Кушелевский, А.Шишов, Г.Демболарнинг фундаментал тадқиқотларидан фойдаланилди.

Мустақиллик йилларида С.Шодмонова, М.Маҳмудов каби олимларнинг тиббиёт тарихига оид илмий тадқиқот ишларида, Фарғона водийсида безгак касаллиги тарихига доир бир қанча маълумотлар келтирилган.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, илмийлик, киёсий-мантқиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** 1881 йилда Янги Марғилонда (ҳозирги Фарғона шаҳри) безгак эпидемияси тарқалди. Шифокор А.Шишовнинг ёзишича, бу вақтда шаҳарда соғлом одамни топиш қийин бўлиб қолган, шаҳар гарнизонидан қоровулликка қўйиш учун бирорта соғлом аскарни топиш мушкул эди. Янги Марғилонда безгакнинг бундай кенг тарқалишининг сабаби, шаҳар атрофини ботқоқликлар билан ўралганида эди. Шу сабабдан, рус маъмурияти 1882 йилда Янги Марғилон шимоли-ғарбидаги 184 десятиналик ва шимолидаги 227 десятиналик ботқоқликларни қуриштига киришди. Ботқоқликлар қурилган бўлсада, шаҳарда безгак касаллиги тарқалишда давом этди[1].

Туркистон ўлкасида безгакнинг уч кунлик, тўрт кунлик ва тропик турлари кузатилган. Улар орасида айниқса, тропик безгак анча хавфли касаллик ҳисобланади. 1903 йилда шифокор Фавр “Россия санитар алоқаларида безгакни ўрганиш тажрибаси” мақоласида Туркистон ўлкасида безгакнинг тропик тури кенгрок тарқалгани, тоғларда эса 3 кунлик безгак кенг тарқалгани

хақида ёзади. Шифокор Марк эса Туркистон ўлкасида безгак тарқалишини географик таҳлил қилиб, ўлканинг шимолӣ ва денгиз сатҳидан баланд ҳудудларида уч кунлик ва тўрт кунлик безгак, жанубий ва денгиз сатҳидан унча баланд бўлмаган ерларда эса тропик безгак кўп тарқалганини қайд этади[2]. Тропик безгак Туркистон ўлкасининг жанубий ҳудудларида қадимдан мавжуд бўлиб, ўрта аср муаллифларининг асарларида “кундуз иситмаси” номи билан эслатилади. Тропик безгак эпидемияси 1889 йилда Бухоро амирлиги ва Самарқанд вилоятида ҳам кенг тарқалиб, Жиззах уездига етиб келди. 1892 йилда эса тропик безгак Тошкент уездига кириб келди. Тошкент уездида тропик безгак эпидемиясидан 1893-1901 йилларда 39640 киши, уезд аҳолисининг деярли 1/11 қисми вафот этди[3]. Тошкент уезидан эса, тропик безгак эпидемияси Фарғона водийси ҳудудларига тарқалди. Бу касаллик, айниқса, Ангренга шоли майдонларида ишлаш учун келадиган Поп, Чодак, Ашт, Бободархон волостларининг аҳолиси орасида кенг тарқалди. 1894 йил август ойидан бошлаб, йил охиригача Ашт волостида тропик безгакдан 103 киши касалланиб, 15 нафари вафот этган бўлса, 1895 йилда 49 киши касалланиб, 18 нафари вафот этди. Бободархон волостида эса, 1894 йилнинг иккинчи ярмида тропик безгакдан 128 киши касалланиб, 127 нафари вафот этди, 1895 йилда эса, 49 киши касалланиб, 18 нафари вафот этди[4]. Наманган уезди бошлигининг 1897 йил 28 мартда Фарғона вилоят ҳарбий губернаторига ёзган ҳисоботида кўра, уч йилдан буён Чодак, Ашт, Бободархон волостларида тропик безгак кенг тарқала бошлаган. Ашт волостининг Пнук қишлоғида 1897 йил феврал ва март ойларида тропик безгакдан 19 киши касалланиб, 14 нафари нафари вафот этди[5].

1900 йил июлда Қўқон уезди Қорақалпоқ ва Қипчоқ волостларида тропик безгак тарқалди. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори буйруғи билан бош шифокор Попов Қорақалпоқ ва Қипчоқ волостларига бориб, тропик безгакдан 1900 йил 19 июлдан сентябргача 408 киши вафот этганини аниқлайди. Сентябрдан бошлаб эпидемия тўхтади. Иккала волостда ҳам безгак билан оғриганларнинг катта қисмини дарё бўйида қамишдан бўйра тўқиш билан шуғулланадиган камбағал аҳоли ташкил этган[6].

Туркистон ўлкасида безгак касаллигини кенг тарқалишининг бир қанча сабаблари мавжуд. Биринчидан, Туркистон ўлкасининг табиий хусусиятлари ва иқлими безгак касаллигининг тарқатувчиси Анофелес чивинларининг яшаши ва тарқалиши учун қулай. Ўзбекистонда Анофелес чивинларининг 8 та тури мавжуд бўлиб, уларнинг 3 таси безгак касаллигининг ташувчиси бўлиб ҳисобланади. Иккинчидан, Туркистон ўлкасининг табиий сув ҳавзалари, ботқоқликлар ва сунъий сўғориш тизимлари Анофелес чивинларининг кўпайиши учун қулай шароит яратган. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, рус маъмурияти мазкур омилни ҳисобга олиб, уни бартараф этишга ҳаракат қилди. Хусусан, 1890 йил 23 ноябрда Туркистон генерал-губернатори вилоятлар ҳарбий

губернаторларига фармойиш жўнатади. Унга кўра, уезд администрацияси ариқ оқсоқоллари ва миробларини каналларни тоза сақлашни қаттиқ назорат қилиши керак эди. Агар каналлар ёмон ҳолатда сақланса, ариқ оқсоқоллари ва миробларга жазо белгиланган[7]. Шунга қарамай, ўлкадаги сўғориш тизимларининг соддалиги туфайли, дарёларда сув кўпайган йилларда сув канал ва ариқлардан тошиб, ботқоқликлар ҳосил қилган. Учинчидан, безгак билан касалланган беморларни даволаш учун тиббий ходимлар етишмаган. Маҳаллий табиблар кўплаб касалликларни асрлар давомида тўпланган тажриба ва билимлар воситасида даволаган бўлсаларда, тропик безгак, вабо каби хавфли юқумли касалликларни даволай олмаганлар[8]. Рус тиббиёт ходимлари эса ўлкада жуда кам эди. Хусусан, Фарғона вилояти губернатори 1900 йилда Туркистон генерал-губернаторидан Қўқон уездининг безгак касаллиги кенг тарқалган Урганжи ва Бешариқ волостларида фелдшерлик амбулаторияси ташкил этишни сўрайди. Аммо бу Туркистон генерал-губернатори кенгаши томонидан рад этилади[9]. 1903 йил 23 августда Фарғона вилоят губернатори Туркистон генерал-губернаторидан безгак кенг тарқалган Чодак волостида 2 нафар ҳарбий фелдшер юборишни сўрайди. Чунки Фарғона вилоятида тиббиёт ходимлари етишмасди[10]. Тўртинчидан, касалларни даволашда дори воситалари етишмас эди. Бу даврда безгак касаллигини даволашда асосан хининдан фойдаланишган. Хинин дорисини 1816 йилда француз олимлари хин дарахтидан ажратиб олган бўлиб, бу дори Туркистон аҳолисида руслар томонидан таништирилади. Хининга маҳаллий аҳоли томонидан ҳам ишонч билдирилса-да, ушбу дори етарли бўлмаган. Хусусан, 1901 йил августда Наманган уездининг Поп ва Чодак волостларида безгак кенг тарқалади. Уезд шифокори ихтиёридаги барча хинин захираси ишлатиб бўлинса-да, безгак эпидемияси тўхтамайди. Наманган уезди бошлиғи бу борада Туркистон генерал-губернаторига ёрдам сўраб мурожаат қилади[11]. Қайд этиб ўтиш керакки, хинин билан етарли таъминлаш натижасида, безгакдан ўлимлар сони анча камайишини кўриш мумкин. 1903 йил июнь ойи ўрталарида Наманган уездининг турли ҳудудларида безгак касаллиги тарқалади. Поп ва Олмос волостларида айниқса ўлим даражаси жуда юқори эди. Иккала волостда безгакдан 1885 киши касалланиб, улардан 192 нафари вафот этди. Ўлим даражаси 10.1 фоизни ташкил этди. Наманган уездининг қолган 25 волостида 4258 нафар одамда касалланиш ва 18 нафар ўлим ҳолатлари аниқланди. 1903 йил сентябр ойи охирида Поп ва Олмос волостларида 2 та фелдшерлик амбулатор пунктлари ташкил этилди. Эпидемия вақтида хинин қишлоқ оқсоқоллари ва элликбошиларига орқали барча аҳолига бепул тарқатилди. Натижада, безгак эпидемиясидан ўлимлар сони анча камайди. Эпидемия билан курашга 1100 рубл ҳаражат қилинади[12]. Фарғона вилоятида рус тиббиёт муассасаларига мурожаат қилган беморлар ва безгак билан касалланганлик даражаси[13].

т/р	йиллар	жами беморлар	безгакка чалинганлар	йиллар	жами беморлар	безгакка чалинганлар
	1	2	3	4	5	6
1	1892	34479	6388	1906	118190	21315
2	1895	40190	8060	1907	143348	25390
3	1897	46248	8260	1908	181360	30517
4	1898	61002	10755	1909	216105	36285

5	1899	78147	16369	1910	317071	37922
6	1900	92674	19339	1911	232657	33619
7	1904	102147	22879	1913	255916	33004
8	1905	99605	19224	-	-	-

Юқорида келтирилган жадвал Фарғона вилоятида аҳолининг касалланиш даражасини эмас, рус тиббиёт муассасаларига мурожаати даражасини кўрсатади. Жадвалдан кўринадики, беморларнинг катта қисмини безгакка чалинганлар ташкил этган. Хусусан, 1900 йилда жами беморларнинг 22,6 фоизини, 1906 йилда 19 фоизини, 1907 йилда 18 фоизини безгакка чалинганлар ташкил этган.

1917 йил феврал инқилоби ва октябр давлат тўнтарыши Туркистон аҳолиси ҳаётига, хусусан соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам жиддий таъсир ўтказди. Совет ҳокимиятининг ўлкадаги курулти қаршилик ҳаракатига қарши олиб борган урушлари, очарчилик, аҳоли ўртасида тиф, вабо ва безгак каби эпидемияларнинг кенг тарқалиши одамларни силласини курутди.

1921 йилда Туркистон ўлкасида кучли иссиқ туфайли тоғларда қорлар эриб, дарёларда сув кўпайди. Шунингдек, уруш ва очарчилик туфайли суғориш тизимлари таъмирланмай қолди. Натижада, анофелес чивинлари кўпайиб, кучли безгак эпидемияси юз беришига сабаб бўлди. 1921 йилда бутун Туркистон ўлкасида амбулаторияларга 201 798 нафар, стационарларга 16 603 нафар беморлар безгак билан оғриб мурожаат қилишди. Бу рақамлар фақатгина рўйхатга олинган беморларгина бўлиб, аслида безгак билан Туркистон аҳолисининг 30 фоизи касалланди. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги ҳузуридаги безгак комиссияси томонидан қатор йиғилишлар ўтказилиб, қарорлар қабул қилинган бўлсада, амалда барча режалар маблағ йўқлиги туфайли амалга ошмади. Ҳаттоки мавжуд безгак станциялари кўринишидаги кураш услуби ҳам амалда музлаб қолди[14].

Безгак эпидемияси 1922 йилда ҳам кенг қўламда давом этди. 1922 йилда Фарғона вилоятидаги стационарларда 2919 киши, амбулаторияларда 38982 киши безгакдан даволанди. Аммо Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси безгакдан вафот этганлар тўғрисида аниқ статистик маълумотларга эга эмасди. Вилоятда безгак касаллигининг тарқалиш даражасини тасаввур қилиш учун, 2-дивизиянинг тиббий бўлими маълумотларига мурожаат қилиш мумкин. Иккинчи дивизия аскарлари орасида 1922 йил январ ойида барча касал-

ларнинг 13 фоизини, август ва сентябр ойларида 72 фоизини безгакка чалинганлар ташкил этган. Маҳаллий аҳоли орасида, айниқса қишлоқларда бу кўрсаткич янада юқори эди. Хусусан, Поп волостининг Ашабин ҳудудида безгакка чалинганлар барча беморларнинг 90-95 фоизини ташкил этган. Маҳаллий аҳолининг касалликка қарши иммунитетни очарчилик туфайли пасайган, даволаниш учун хинин ва тиббий муассасалар етарли эмас эди[15]. Қўқондаги бактериология лабораторияси маълумотларига кўра, 1922 йилда тарқалган безгак эпидемиясининг 75 фоизини тропик безгак, 25 фоизини 3 кунлик безгак ташкил этган, 4 кунлик безгак эса деярли кузатилмаган[16].

1923 йил 13 сентябрда Туркистон халқ комиссарлар совети барча гидротехника ишларини Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги билан келишган ҳолда амалга ошириш шартлиги тўғрисида қарор чиқарди. Шунга қарамай, суғориш тармоқларини тозалаш ишлари жуда секинлик билан кечди. Совет ҳукумати безгак билан курашга катта маблағларни ажратишни истамасди. Андижон ва Қўқонда безгак станциялари ташкил этиш зарур бўлсада, бу станциялар сметаси 1922-1923 ва 1923-1924 йиллар давлат бюджетига киритилмади[17].

**Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).** Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, безгак Фарғона вилоятида энг кенг тарқалган касаллик эди. Безгак аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жуда катта салбий таъсир ўтказган. Хусусан, безгак қишлоқ ҳудудларида дехқончилик ишлари айни авж палласига кирган август ва сентябрь ойларида кенг тарқалиши туфайли қишлоқ хўжалигига катта талафот етказган. Шунингдек, ўлимлар, касаллик туфайли меҳнат қобилиятининг йўқолиши, тиббий харажатлар туфайли ҳам аҳолига жиддий ижтимоий-иқтисодий зарар келтирган. Мазкур омилларни ҳисобга олиб, Россия империяси ҳукумати ва кейинчалик совет ҳукумати ҳам безгакка қарши кураш масаласига жиддий ёндашиб, бир қатор қатор чоратадбирларни амалга оширди. Маҳаллий аҳолига хининнинг пул тарқатилиши, суғориш тармоқларини тартибга солишга ҳаракат қилиниши, олим ва шифокорлар томонидан безгак касаллигини ўрганилиши шулар жумласидандир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Шишов А. Колонизация в малярийных местностях // Туркестанские ведомости. 1904, №64
2. Дембо Г.И. Малярия и ирригация в Туркестане // Вестник ирригации, 1924 г. июнь
3. Н. Народное бедствие в Ташкентском уезде // Туркестанские ведомости. 1902, №12,13
4. Маргеланская письма // Туркестанские ведомости. 1896, №82
5. Ўзбекистон Миллий архиви. И.19-фонд, 1-рўйхат, 14160-иш, 7 варақ ва орқаси
6. ЎзМА И.1-фонд, 8-рўйхат, 29-иш, 15 варақ
7. ЎзМА И.19-фонд, 1-рўйхат, 12709-иш, 1 варақ ва орқаси
8. Местное обозрение. Эпидемия малярии в Средней Азии. // Туркестанский сборник. Т 523. с.21-27
9. ЎзМА И.1-фонд, 8-рўйхат, 29-иш, 29 варақ.
10. ЎзМА И.1-фонд, 8-рўйхат, 54-иш, 105 варақ.
11. И-1, опис 8, дело 32 бет.
12. ЎзМА И.19-фонд, 1-рўйхат, 32733-иш, 73 варақ ва орқаси
13. Ушбу жадвал “Статистический обзор Ферганской области. 1884-1914. Скобелев. Типография Ферганского областного правление” маълумотлари асосида тайёрланди.
14. ЎзМА Р.40-фонд, 1-рўйхат, 308-иш, 44 варақ орқаси



УДК:94.5(327)

*Озодбек РАДЖАБОВ,*  
*Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти*  
*E-mail: ozodbek.radjabov.1994@mail.ru*

*ТДШУ профессори, т.ф.д. Шадманова С.Б. тақризи асосида*

## PRESS COVERAGE OF THE RAILWAY SYSTEM IN UZBEKISTAN DURING THE YEARS OF INDUSTRIALIZATION

Abstract

Due to the processes of globalization taking place in the world, mutual integration is intensifying, enabling the economic growth of the world's countries. In this period of development, the role of transport is unique, and the wider use of logistics services, the development of internal and external communication systems, the use of innovative projects remains one of the most pressing issues in the world. In particular, the promotion of achievements in the field of transport and transnational roads, transport and communications, camping services by international organizations specializing in the field is one of the urgent tasks in the world. In the United Kingdom, France, Russia, Japan and Korea, where the world's largest research centers are located, the issue of creating modern modes of transport, improving technical equipment, improving maintenance services and improving the psychological skills of technical staff is constantly being studied. In particular, it allows to draw conclusions from research in the field of modernization of the transport sector, the creation of fuel-efficient models and the training of qualified specialists on the basis of innovative ideas, increasing the financial interest of employees. This article discusses the role of the railway system in Uzbekistan in the early years of Soviet rule

**Keywords:** Industrialization, transport, railway system, press, Magazine Young Bolshevik, Magazine Torch, Magazin Council building and law.

## ОСВЕЩЕНИЕ В ПРЕССЕ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОЙ СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ ИНДУСТРИАЛИЗАЦИИ

Аннотации

Благодаря происходящим в мире процессам глобализации усиливается взаимная интеграция, обеспечивающая экономический рост стран мира. В этот период развития роль транспорта уникальна, а более широкое использование логистических услуг, развитие систем внутренней и внешней связи, использование инновационных проектов остается одним из самых актуальных вопросов в мире. В частности, популяризация достижений в области транспорта и транснациональных дорог, транспорта и связи, кемпингового обслуживания международными организациями, специализирующимися в данной области, является одной из актуальных задач в мире. В Великобритании, Франции, России, Японии и Корее, где расположены крупнейшие мировые научно-исследовательские центры, постоянно изучается вопрос создания современных видов транспорта, совершенствования технического оснащения, улучшения сервисного обслуживания и повышения психологической подготовки технического персонала. В частности, позволяет сделать выводы из исследований в области модернизации транспортного комплекса, создания экономичных моделей и подготовки квалифицированных специалистов на основе инновационных идей, повышения финансовой заинтересованности сотрудников. В данной статье рассматривается проблема освещения в СМИ системы железных дорог в первые годы советской власти в Узбекистане.

**Ключевые слова:** Индустриализация, транспорт, железнодорожная система, пресса, журнал «Молодой большевик», журнал «Факел», журнал Советское строительство и право.

## ИНДУСТРАЛАШТИРИШ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИНИНГ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ

Аннотация

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари туфайли ўзаро интеграциялашув кучайиб, дунё мамлакатларининг иқтисодий юксалишига имкон яратмоқда. Мазкур ривожланиш даврида транспортнинг ўрни бекиёс бўлиб, логистика сервис хизматларидан кенгрок фойдаланиш, ички ва ташқи коммуникация тизимини тараққий эттириш, инновацион лойиҳаларни қўллаш жаҳон миқёсида долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Чунончи, жаҳонда соҳага ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар томонидан транспорт ва трансмиллий йўллар, транспорт ва коммуникация, кемпинг хизмати борасидаги ютуқларни оммалаштириш долзарб вазибалардан саналади. Дунёдаги йирик илмий тадқиқот марказлари жойлашган Буюк Британия, Франция, Россия, Япония, Корея давлатларида транспортнинг замонавий турларини яратиш, техник воситаларни мукамаллаштириш, техник хизмат кўрсатиш хизматини такомиллаштириш ва техник ходимларнинг психологик хизмат кўрсатиш қобилиятини ошириш масаласи доимий равишда ўрганиб келинмоқда. Хусусан, транспорт соҳасини модернизация қилиш, ёқилғини тежовчи моделларни яратиш ҳамда инновацион ғоялар асосида малакали мутахассисларни тайёрлаш, соҳа ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш каби йўналишларда олиб борилган тадқиқотлардан хулосалар чиқариш имконини беради. Мазкур мақолада Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг индустраластириш йилларида темир йўллар тизимининг матбуотда акс этиши масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Саноатлаштириш, транспорт, темир йўллар тизими, матбуот, “Ёш большевик” журнали, “Машғала” журнали, “Совет қурилиши ва ҳуқуқ” журнали.

**Кириш.** Дунёнинг бир қанча йирик илмий-тадқиқот ва стратегик таҳлил муассасаларида муайян мамлакат ёки минтақаларнинг коммуникация ва транспорт тузилмалари тадқиқот объектига айланиб улгурган. Шу жумладан, Марказий Осиё минтақасининг моддий ва кишилик ресурсларига энг бой худуди ҳисобланган Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, халқ хўжалиги тармоқларининг собиқ совет давридаги аҳоли, жумладан, транспорт тизими, темир йўлларнинг республика иқтисодий ҳаётида тутган ўрни, ривожланиш босқичлари, тармоқнинг саноатдаги мавқеи, аҳолининг турмуш даражасига таъсири, темир йўл шаҳобчалари ва тармоқ йўлларининг такомиллашуви жараёнлари каби муаммоларни устувор мавзулар сифатида ўрганаётганлиги муҳим аҳамият касб этади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** 1925 йилнинг 5-9 март кунлари Полторацк шаҳрида марказ ташаббуси билан Биринчи Бутуниттифок йўл масалаларига бағишланган ишлаб чиқариш съезди ўтказилган. Бу съездда иттифокдош республикалардан 75 нафар делегат қатнашган[1].

1931 йилда Бутун Иттифок бўйича темир йўллар орқали юк ташиш ҳажми урушдан олдинги даражага нисбатан 80 фоизга ошган[2]. Йўловчи қатнови эса 1913 йилга нисбатан 3 маротаба ошган[3].

Журналнинг айнан шу сонида темир йўл транспортини электрлаштириш ҳақида фикрлар қайд этилади.

Чирчиқ шаҳрига 1934 йил сентябр ойида темир йўлнинг кириб келиши Машъала журналининг 1934 йил октябр сонида маълумот қайд этилиб, ВКП(б) МҚ партия назоратининг Ўзбекистондаги вакили Ризаев, қурилиш парткоми котиби Балакин, қурилиш участкаси бошлиғи Розик Хамидхонов, Олмаликстрой бошлиғи Дирамов, Тошкент Ёшлар Қўмитаси котиби Жегаров, бош инженер Қандалов ва минглаб ишчилар иккинчи беш йиллик йўл қурилишининг йирик ғалабаларидан бири бўлган Чирчиқ темир йўлида ҳаракатланган биринчи поездни қаршилаш учун йиғилишганлиги таъкидланган[4].

**- Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Ўрганилаётган муаммони тўғри ҳал этишда илмийлик, билишнинг холис, тарихий, қиёсий ва танқидий ўрганиш, тизимлик тамойиллари, культуро-генез принципларига амал қилинди.

**- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** 1932 йилда Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитаси Маориф Халқ қўмитаси, адлия ва молния халқ комиссарликлари аппаратларида ишловчи ишчилар таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари 50 фоиздан ортиқни ташкил қилган. Бошқа ташкилотларда бўлса аҳоли вакиллари улуши қуйидаги кўринишда бўлган[5]:

1	Меҳнат халқ комиссарлиги	36 %
2	Ер-сув комиссарлиги	29 %
3	Таъминот комиссарлиги	24 %
4	Соғлиқни сақлаш комиссарлиги	20 %
5	Енгил саноат комиссарлиги	18 %
6	Колхоз саноати комиссарлиги	22 %
7	Саноат бирлашмаси комиссарлиги	12 %
8	Давлат план идораси	17 %
9	Кооперация давлат савдоси комиссарлиги	17 %
10	Банк комиссарлиги	10 %
11	Транспорт ва алоқа идораси	7 %

Жадвалдан кўриниб турибдики, транспорт соҳасида хизмат қилувчи ерлик аҳоли вакиллари улуши жуда паст бўлган. Жумладан, темир йўл соҳасида биринчи беш йилликда асосан рус миллатига мансуб таркиб хизмат қилганлигига манбалар гувоҳлик беради.

1922 йилдан бошлаб Совет ҳокимияти фуқаролар уруши йилларида вайрон қилинган темир йўл линиялари: Қарши-Китоб, Когон-Амударё-Термиз линияларини, Фарғона водийсидаги темир йўл тармоқларини қайта таъмирлаб, ишга тушириш масаласини кўриб чиқа бошлади. Йўл хўжалиги борасида кучайтирилган тартибда иш суръатлари олиб борила бошланди. Темир йўл изларидаги ҳаракатни 1913 яъни урушдан олдинги даврга етказиш асосий масала сифатида бир қанча ташкилотларнинг кун тартибида турар эди. Темир йўл линияларининг тикланиши нафақат ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, балки оддий аҳоли турмуш тарзига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатар эди.

Эски тармоқ йўлларининг таъмирланиши билан бир қаторда янги темир йўл линиялари: Термиз-Душанбе, Термиз-Пристан(Амударё), Фарғона-Қувасой, Андижон-Тентаксой каби тармоқларни барпо қилишга киришилди. Умумий ҳисобда биринчи беш йилликнинг дастлабки даврида 500 кмлик эски темир йўл линиялари қайта тикланган бўлса, 265 та янги тармоқ йўлларини барпо қилиш мақсад қилиб кўйилди[6].

Халқ хўжалигини қайта тиклаш ва индустриаллаштириш йилларида совет ҳукумати транспорт, шу

жумладан темир йўл тармоқларини ривожлантириш учун катта ресурс ва маблағлар ажратишни бошлади. 1928 йилга келиб йўловчи ташиш кўрсаткичлари урушдан олдинги даражага бориб етди. 1928 йилда йўловчи ташишнинг 12 фоизи шаҳарлараро, 81 фоизи маҳаллий қатновга тўғри келган[7].

Йўловчи ташувчи поездларнинг вагонлар таркиби сони 27 тадан 37 тага ошган бўлса, техник тезлик 21 км/с дан 32 км/с га ошган.

Маълумки, 1928 йилнинг октябридан бошлаб бутун Иттифок миқёсида биринчи беш йиллик план бажарилишига киришилди. Кўзланган асосий мақсад СССРни аграр давлатдан индустриал давлатга айлантириш эди. Мамлакатни саноатлаштириш шароити-да темир йўллар тармоғини такомиллаштириш масаласи 1931 йил июн ойида ўтказилган ЦК Пленумида кўриб чиқилиб, тармоқдаги ечимини қутаётган муаммолар, камчиликлар қайд этилди, эришилган ютуқ ва натижалар таҳлил қилинди.

Биринчи беш йилликда Ўзбекистон худудида Жарқўрғон-Сурхон, Асака-Шаҳрихон, Бекобод-Далварзин каби янги темир йўл линиялари барпо қилинган. Локомотив паркларининг чидамлик даражаси 43 фоизга ошган. Республикадаги темир йўл изларида анча чидамли бўлган “Эи”, “Ц” паравоз цериялари ҳаракатлана бошлаган. Маҳаллий телефон линияларини марказ билан боғлаш мақсадида йўл ишлари бошқармалари қошида алоҳида бўлимлар ташкил қилинди. Поездлар ҳаракатини

бошқарувчи станцияларнинг раҳбарий таркиблари учун диспетчерлик телефон алоқасини йўлга қўйиш жараёни 1929-1930 йиллардан амалиётга тадбиқ этила бошлади. Транспорт соҳасини ривожлантириш ўша давр учун оммалашган социалистик мусобақалар, рационализаторлик таклифларни қўллаш билан янада тараққий эта бошлади. Масалан, 1930 йилда биргина Тошкент паравозвагон таъмири заводи ишчилари томонидан 52 та турли таклифлар берилган.

1929-1932 йиллардаги янги қўмир ресурсларининг аниқланиши ва очилиши (Қизилкия ва Қўкёнғок), Фарғона водийсида пахта етиштиришнинг кўпайиши, Бўзсув ГЭСининг қурилиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва янги ирригация иншоатларининг барпо этилиши, шаҳарларда янги ўқув юртларининг очилиши, аҳолининг моддий ва маданий яшаш даражасининг ошиб бориши натижасида Республикадаги темир йўллар орқали йўловчи ташиш ҳажмларида ўзгаришлар кузатила бошлади.

#### **-Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).**

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1928 йилда Ўзбекистонда темир йўллар орқали 6260 нафар йўловчи

ташилган бўлса, 1932 йилга келиб бу кўрсаткич 9200 нафарга етган. 1928 йилда бир километр темир йўл изида ҳаракатланувчи йўловчи ташиш вагонлари сони 39 тани, темир йўл қатнови зичлиги 4,2 коэффициентни ташкил қилган бўлса, 1932 йилга келиб бу миқдор тегишли тарзда 48 ва 6,1 га етган[8].

Темир йўл изларининг ўтказиш қобилиятларининг пастиги қатнов режалари ва жадваллари орасида катта-катта танаффусларни келтириб чиқарар эди. Айниқса бу ҳолат аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда яққол сезилар эди. Жумладан, Ховос-Қўқон-Наманган, Ховос-Самарқанд каби йўналишлар билан ҳаракатланувчи йўловчи поездлари шундай муаммоларга тез-тез дуч келиб турар эди[9].

Темир йўллар орқали йўловчи ташиш ҳажмлари биринчи беш йилликда тез суръатлар билан ўсиб борди. Айниқса бунда тўғридан-тўғри марказ билан боғланувчи, маҳаллий ва шаҳарлараро қатнов алоҳида ўрин эгалларди. Иттифокнинг марказий районларига йўловчи қатнови айниқса 1930 йилда Туркистон-Сибир темир йўли ишга туширилгач янада ошиб кетди.

#### **АДАБИЁТЛАР**

1. Средне-Азиатская железная дорога. Городь Полторацк. Типо-литография Средне-Азиатская железная дорога.1925.-С.3.
2. Ёш большевик журнали. 1931 йил. Ноябрь ойи иккинчи сони. –Б.6.
3. Ёш большевик журнали. 1931 йил. Ноябрь ойи иккинчи сони. –Б.7.
4. Машъала журнали. 1934 й. №2. –Б.30.
5. Шўро қурилиши ва ҳуқук. 1932 й ноябр. –Б.42.
6. Газета “Железнодорожный путь».1925 й. 25 апрель
7. Железные дороги Средней Азии. Ташкент.1933.-С.65.
8. ЎзМА. Ф.58. оп.27.д.787.л.16.
9. Тошкент шаҳар Архиви. 58 фонд, 27 рўйхат, 787 йиғма жилд, 12 варок



УДК: 159.7 (575.1)

**Шохиста ЭЛМУРАТОВА,**  
ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети таянч докторанти  
E-mail: sh.elmuratova@tiiame.uz

*Ал-Бухорий университети профессори, т.ф.д. Х.Хамидов тақризи асосида*

### ДАВЛАТ НАМОЁНДАСИ УСМОН ЮСУПОВ УЙ-МУЗЕЙИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ, ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация

Ўзбекистон тарихий шахсларни номларини абадийлаштириш, соҳа ривожланишида сўнги йилларда амалга аширилган амалий чора тадбирлар ва тарихий аҳамияти тўғрисида маълумотлар мазкур тадқиқотни асосий мазмунини ташкил этади. Мазкур мақола информацион тахлилий характерга эга.

**Калит сўзлар:** батрак, округ, комсомол, компартия, мемориал, экскурсия, композиция, “Партия ўғли”

### CREATION OF THE HOUSE OF THE MUSEUM OF THE STATE REPRESENTATIVE USMON YUSUPOV, IMPORTANT AREAS OF HIS ACTIVITY

Annotation

Information about the perpetuation of the names of historical figures of Uzbekistan, the practical measures taken in recent years in the development of the industry and their historical significance form the main content of this study. This article is for informational and analytical purposes only.

**Key words:** laborer, district, Komsomol, compartment, memorial, excursion, composition, "Party son".

### СОЗДАНИЯ ДОМА МУЗЕЯ ГОСПРЕДСТАВИТЕЛЯ УСМОНА ЮСУПОВА, ВАЖНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЕГО ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация

Сведения об увековечивании имен исторических деятелей Узбекистана, предпринятых в последние годы практических мерах в развитии отрасли и их историческое значение составляют основное содержание настоящего исследования. Эта статья предназначена только для информационных и аналитических целей.

**Ключевые слова:** батрак, район, комсомол, купе, мемориал, экскурсия, композиция, «Партийный сын».

**Кириш.** Бугунги Янги Ўзбекистон жамиятида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётганлигининг муҳим жиҳатларидан бири бу – миллий ва маданий кадриятларимизга берилган юксак эътибор натижасидир. Чунки, фуқаро-ларимизда миллий, маънавий, диний ва маданий кадриятларга нисбатан хурмат руҳини шакллантирмасдан туриб, ҳеч қандай ватанпарвар инсонни тарбиялаб бўлмайди. Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юртимизнинг ўтмиш тарихини, маънавий ва маданий ёдгорликларини чуқур тадқиқ этиш орқали фуқароларимизнинг маънавий тафаккурини янада юксалишига, тарихий хотирасининг янада ўсишига катта ҳисса қўшган бўламиз. Маънавий тафаккур ва тарихий хотирани шакллантириш, фуқаролар қалбида миллий ғурур туйғуларини пайдо қилишда маданий-маърифий муассасалар орасида уй-музейларининг ҳам ўз ўрни бор.

**-Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Analysis of the literature on the topic).** Бугун қалби ва вужуди билан халқ манфаати йўлида партияга, социализм ва коммунизм гоёларига юксак ишонч билан яшаган, амалда эса алданган, олижаноб ўзбекона фазилатларга эга бўлган Ўзбекистоннинг совет давридаги машхур давлат арбобларидан бири – Усмон Юсупов эди.

Уни урушга қадар зараркундалик ва авантюрада (шубҳали фаолият), уруш вақтида сотқинлик ва ватан душманларини яширинликда, урушдан сўнг эса урушдан олдинги вақтда амалга оширилган қатағонларда айблашган.

Усмон Юсупов 1900 йил 1 март куни ҳозирги Фарғона туманидаги Каптархона қишлоғида туғилган бўлиб, унинг онаси Ойнисо – ўзбек, тошлоқлик хунарманд-тўқувчининг кизи бўлган. Отаси Юсуф эса –

тожик, Каптархонадаги вақф ерида батраклик ХИЗМАТЧИ қилган. Отаси 1916 йилда оиласи билан Қовунчи (ҳозирги Янгийўл шаҳри) кўчиб келади. Ёш Усмон шу ердаги пахта заводида оддий ишчи бўлиб ишлаш бошлайди. 1923 йилда Усмон Юсупов Анастасия Большаковага уйланади. Икки йилдан кейин оила ўғил кўриб, исмини Аскар (Леонид) деб қўйишади. Лекин Усмон билан Анастасиянинг турмушлари узоқ давом этмайди. Усмон Юсуповнинг Аскар ўғли эса яқинда Москвада вафот этди. У тарих фанлари доктори, СССР Фанлар академияси тарих институтининг профессори эди [15].

Усмон Юсупов меҳнат фаолиятини 1916 йил Қовунчи (ҳозирги Янгийўл шаҳри)даги пахта тозалаш заводида ишчиликдан бошлаган. Кейинчалик Тошкент бинокорлар уюшмаси раиси, қасаба уюшмалари Тошкент округи кенгаши раиси (1926-28) лавозимида ҳам фаолият кўрсатган [2]. 1929 йилда Усмон Юсупов украин кизи, комсомол фаоли Юлия Степаненкога уйланиб, умрининг охиригача у билан бирга яшади. Эр-хотин беш фарзанд кўришди. Ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган бу фарзандларининг томирида ўзбек, тожик ва украин халқларининг қони бор.

**Тадқиқот методологияси. (Research methodology).** Усмон Юсупов 1928-1931 йилларда Ўзбекистон Компартияси МК қотиби, 1931-1934 йилларда ВЦСПС Ўрта Осиё бюроси раиси, 1936-1937 йилларда Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари лавозимларидаги самарали ва фидокорона фаолият кўрсатган. У ўз сиёсий фаолияти даврида имконият доирасида Ўзбекистон халқи манфаатларини ҳимоя қилишга интилан бўлишига қарамай оммавий қатағон сиёсатида (1937-1939) Марказ фармойишларини бажаришга мажбур бўлган.

Бу миллатпарвар, юртпарвар инсон 1937-1950 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, 1950-1953 йилларда СССР Пахтачилик министри, 1953-1955 йилларда эса Ўзбекистон Министрлар Советининг раиси лавозимларида халқ манфаати, юрт равнақи йўлида самарали ва ибратли фаолият кўрсатган сиймолардан бири эди. Усмон Юсуповни 1955-1962 йилларда Сирдарё вилоятининг “4-Боёвут” (ҳозирги Усмон Юсупов номи “2-Боёвут”) хўжалигига раҳбарлик қилган.

Усмон Юсупов умрининг сўнгги йилларида, яъни, 1963-1966 йилларда Янгийўл туманидаги “Халқобод” аграрсаноат бирлашмаси директори лавозимларида самарали меҳнат фаолиятини олиб борган. 1966 йил 7 майда Усмон Юсупов оғир хасталиқдан кейин вафот этади ва Тошкентдаги Чигатой қабристонига дафн қилинади. Унинг турмуш ўртоғи Юлия Леонидовна Степаненко эса 1972 йил 28 апрелда вафот этган.

У.Юсупов жуда катта ташкилотчилик қобилият соҳиби, халқни англаш, унинг бор-йўғидан бохабар бўлган, оммани мушкулларини осон қилишдек кўплаб савоб ишларни кекса авлод жуда яхши қадрлайди. Халқимизнинг ишонч ва ҳурматини қозонган омма етакчиси эди. Ўзбекистоннинг 1937-1940 йиллардаги,

айниқса, Иккинчи жаҳон уруши давридаги тарихида юз берган буюк бунёдкорлик, ниҳоятда оғир ҳаётни унингсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ўзбек халқининг содиқ фарзандига бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг изхори сифатида катта Фарғона каналига, Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига, Янгийўл шаҳрининг кўчаларидан бирига, Янгийўл туманидаги Халқобод номи Аграрсаноат бирлашмасига, Чиноз туманининг марказидаги маданият ва истироҳат боғига, қисқаси Республикамиздаги кўплаб жамоат хўжалиқлари, мактабларга Усмон Юсупов номи берилган.

Шароф Рашидовнинг алоҳида муносабати ва чексиз ҳурмати туфайли Усмон Юсуповга аталган уч жойда – Фарғонанинг “Каптархона” қишлоғида, Боёвутда, Янгийўлнинг Халқободида музей бўлишига қарамай, бу музейлар жамоатчилик асосидаги музейлар эканлигини ҳисобга олиб, Янгийўлдаги уларини давлат уй-музейига айлантириш лозим деган фикрга келган. 1974 йилнинг 24 июнидан Ўзбекистон ССР Компартияси МҚ ва Министрлар Советининг 300-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Фанлар академияси М.Т.Ойбек номидаги “Ўзбекистон халқлари тарихи” музейининг филиали Усмон Юсупов уй-музейи очилиши тўғрисида қарор қабул қилинади.



#### Таҳлил ва натижалар. (Analysis and results).

Мазкур музейнинг ташкил этилишида, экспонатларнинг тўпланишида ва кейинги фаолиятида Абдуқаҳҳор Абдураззоқовнинг ўрни биқиёс бўлган. А.Абдураззоқов 1974 йилнинг июлида Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг раҳбари Н.Содиқованинг таклифига кўра Фарғона вилояти Йўғонтепа қишлоғидаги жамоа хўжалиги музейидан бўшаб, Усмон Юсуповнинг қариндош-уруғлари, дўстлари ва сафдошларидан экспонатлар йиғишга киришади. Дастлаб Ўзбекистон марказий давлат архиви, Тошкент вилоят архивларидан, Москвадаги Марказий архивлардан У.Юсуповнинг ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатлар, фотосуратлар йиғилади. Шунингдек, У.Юсуповнинг қариндош-уруғларидан, фарзандларидан, ҳамкасб дўстларидан унга тегишли шахсий буюмлар, кийимлар, расм ва турли ашёлар каби экспонатлар тўпланади.

Уй-музейи Усмон Юсуповнинг 75 йиллик юбилейлари кунда, яъни 1975 йилнинг 1 март кунини очилади. Янгийўл шаҳрининг марказидаги Боғ кўчаси 6-уйда жойлашган бир гектар ер майдонига эга ушбу музейнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон ҳукумати масъул ходимлари, Фанлар академиясининг президиуми аъзолари, маданият институтининг вакиллари, Янгийўл шаҳар партия ва ижроия кўмити-сининг раҳбарлари, маориф ва маданият ходим-лари, Усмон Юсуповнинг қариндошлари, дўстлари ва сафдошлари, колхозчи-деҳқонлар, илгор пахтакорлар ва ишчилар, фахрийлар ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этишади.

Уй-музей 2 та бино ва 3 та бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлими асосий бино – мемориал комплексдан иборат олти хонада 500 дан ортиқ экспонатлар жойлашган. Асосий бино пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб,

тўртбурчак шаклига эга. Аини пайтда музей фондида 4 мингга яқин ноёб буюмлар сақланыпти.

Музей жойлашган манзилда 1937-1950 йилларда республикамизнинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган Усмон Юсуповнинг ҳаёти ва фаолиятидан ташқари, яқин ўтмишимиз ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар тақдим этади. Музейга айлантирилган ушбу уйда Усмон Юсупов 1961-1966 йиллар давомида (умрининг охиригача), турмуш ўртоғи Юлия Степаненко эса 1972 йилгача яшаган.

Иккинчи бино ёрдамчи хоналар учун қурилган бўлиб, ҳозирда у хоналар Усмон Юсупов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган 300 дан ортиқ экспонатлар жойлашган кўرғазма бўлган. Аввал катта меҳмонхона бўлган хона кинозалга айлантирилиб, Усмон Юсупов ҳақида ҳужжатли ва бадиий филмлар намойиш этиб борилган. Учинчи бўлим Усмон Юсупов томонидан барпо этилган бир гектардан ортиқ боғдан иборат.

Архив ҳужжатларига кўра, 1981 йилда Усмон Юсупов уй-музейи учун 14 та штат ажратилган. Хусусан, музей мудири (1 нафар), экскурсовод (1 нафар), кузатувчи (2 нафар), боғбон (2 нафар), қоровул (1 нафар), киномеханик (1 нафар), фаррош (2 нафар), ҳовли супурувчи (1 нафар) фаолият кўрсатган. Бугунги кунда ҳам уй-музейдаги штатлар жадвали деярли ўзгаришсиз қолган.

У.Юсупов уй-музейининг экскурсоводи, Янгийўл шаҳар ва Янгийўл туманининг маориф бўлимларини, мактаб ўқувчилари, Янгийўл тиббиёт техникуми-коллежи ҳамда бошқа ўрта махсус таълим муассалари талабаларини, болалар боғчалари, Нов қишлоғидаги юрак ва асаб касалликлари сиҳатгоҳида дам олувчилани ва бошқа кўплаб ташкилотларни, меҳнаткашларни, киш фаслида эса колхозчи деҳқонларни уй-музейига қелиш-

ларини тарғиб-ташвиқот қилиб, музейга келган-ларга экскурсиялар олиб борганлар. Ҳозирги кунда, У.Юсупов уй музейининг фондида 3812 та экспонат мавжуд бўлиб, шундан асосий фондида 3519 та, илмий ёрдамчи фондида 293 та, экспозиция залида 218 та, мемориал комплексида 645 тага етказилди.

Экспозиция залида ноёб экспонатлардан: “Исломоведения” номли 1912-йилда чоп этилган китоб, китоб қўйиб ўқиладиган лавҳ, ёритгич, Мугиз-вино ичадиган, кандакорлар томонидан зийнатланган шох, Москва мебел фабрикасининг ноёб маҳсулоти бўлган идиш-товоқ қўйиладиган жавон (буфет), Фарғона канали ва Фарход ГЭСни кетмон билан казиётган дехконлар муляжи, Боёвуда Усмон Юсупов ишлатган телефон аппарати, 1930-йилларда Вемамда ишлаб чиқарилган ва У.Юсуповга совға қилинган тўқ хаворанг гулдонлар мавжуд.



Иш кабинетидagi экспонатлар: Германияда ишлаб чиқарилган Маршал Роккосовский совға қилган катта соат, Полшада ишлаб чиқарилган сирли иш столи, ўртадаги тортмани очиб ёпганда икки ёнидаги жавонлар қулфланиб ва очилиб ёпиладиган иш столи, стол лампаси, столда айиқчалар акс этирилган мрамор сийёҳдон композицияси, диван, кресло ва юмшоқ стуллар тўплами билан иккита китоб жавони, китоблар бор. Ётоқхонадаги экспонатлар: иккита темир кроват, иккита тумбочка, иккита нақшинкор ҳинд гулдони, иккита ойнавандли кийим жавонлари, жавонларда Усмон Юсуповнинг кийимлари (барг-ранг беқасам чопон, тулки терисидан тикилган чакмон (шуба), кулранг макентож, қора макентож, уч дона костюм-шим, кулранг халат, оқ коломинкадан костюм-шим, қора қўл ёқали драп палто, қора-қўл телпак, Чуст дўппи, кўзойнақ ғилофи билан, трюмо-кўзгу, аёллар зебу-зийнати сақланадиган қутичалар, “Маяк” номли стол соати, У.Юсуповнинг гипс бюсти, 4 та нақшинкор столлар, 2 та катта креслолар, Хива гилами мавжуд.

Болалар ётоқхонасидаги экспонатлар: 2 та юмшоқ кроват, ойнавандли кийим жавони, кичик китоб жавони, китоблар мавжуд бўлса, болалар дарс хонасидаги экспонатлар орасида эса: орқасида катта ва икки ёнида жавонлари ҳамда кўзгулари бўлган, Москвада ишлаб чиқарилган диван, 4 та стул, икки тумбочкали катта дарс столи, кийим жавони, шахмат столи ҳам бор. Айвонда Москва мебел фабрикасининг маҳсулоти бўлган ойнавандли катта диван, катта овқатланиш столи мавжуд. Мазкур уй-музейга 1975 йилнинг март ойида Шароф Рашидов ҳам ташриф буюриб, музей экспонатлари билан танишиб чиққан.

Мемориал комплексдан жой олган ноёб экспонатлар – кираверишда: кийим-кечак ва поябзал жавони, баландлиги уч метрдан узунроқ катта кўзгу мавжуд. Мехмонхонадаги экспонатлар: рассом Ивановнинг табиат манзараси мўйқалами, “Темп 2” маркали телевизор, “Естония” радиоси, Москва мебел фабрикасида ишлаб чиқарилган ойнавандли идиш жавони, “Горка”, диван ва креслолар, Японияда ишлаб чиқарилган чинни идишлар тўплами, “Оила даврасида” мўйқаламли расм картинкаси, рассом Перов чизган мўйқалами, У.Юсупов ҳамда адабиёт ва санъат арбоблари бирга тушган фотосуратлар (Зулфияxonим, Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Комил Яшин, Фафур Ғулом, Максуд Шайхзода, Шукур Бурхонов, Мухтор Ашрафий ва бошқалар билан), Усмон Юсупов сурати туширилган чинни гулдон, Усмон Юсупов ва Юлия Леонидовна Кисловодскда тушган сурат мавжуд.

Усмон Юсуповнинг Янгийўлдаги ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ мебел ва шахсий буюмлар, китоблар, асл ҳужжатлар ва фотосуратлардан иборат бир қанча экспонатлар 1968 йилда Фарғонадаги “Каптархона” кишлоғида ташкил этилган музейга олиб кетилган. Ушбу буюм ва экспонатларнинг тўлиқ рўйхати уй-музей фондида бор.

1974-1980 йиллар оралиғида уй-музей ходимлари томонидан Усмон Юсупов “интеръери”нинг 40 фоиз асл экспонатларини тўплай олишган. 1981 йилнинг ўзида илмий-йиғиш ишлари режасига, асосан, Усмон Юсуповнинг қариндошлари ва хизматдошларида сақланаётган далилий мерос материалларини йиғиш ҳаракати фаол олиб борилди. Ўша йилда музей фондига 30 га яқин янги ашёвий экспонатлар келиб тушиши натижасида уй-музейнинг асосий фонди 1400 сақлаш бирлигини, илмий ёрдамчи фондлари эса 35 бирликни ташкил этади.

Уй-музей ходимларининг оммавий илмий-марифий ишлари асосан маъруза ўқиш, музей залларида экскурсия ташкил этиш, фильмлар намойиш қилишдан иборат бўлган. Музей фаолиятида давомида йилига ўртача 300 га яқин илмий-марифий тадбирлар ўтказиб келган. Хусусан, 1981 йил давомида У.Юсупов ҳаёт фаолияти ҳақида 5 та маъруза ўқилган, музей залларида 272 та экскурсия тадбирлари ўтказилган. Уй-музейнинг кино залида асосан “Партия ўғли” фильми намойиш этилган. Ўша йили музейга 12,5 минг одам ташриф буюрган.

1986 йил 1 март куни Усмон Юсуповнинг бронзадан ясалган бюсти ва икки тилдаги мемориал доска тайёрланиб, уй-музейга топширилади.

2014 йилдан У.Юсупов уй-музейига директор этиб тайинланган Сайёра Мамадалиеванинг саъй-ҳаракати билан уй-музейини жорий таъмирлаш учун 2017 йилда Маданият вазирлиги томонидан 301 миллион сўм миқдорда маблағ ажраталади. Таъкидлаш жоизки, 1974 йил У.Юсупов уй-музейи ташкил этилганидан бери бундай кенг қўламдаги таъмирлаш ишлари олиб борилмаган. 2020 йил 1 март куни 120 йиллиги кенг нишонланиши кўзда тутилган Усмон Юсуповнинг тарихий уй-музейи яна реконструкция қилинди. Унинг умумий майдони – 9380 кв.м. бўлиб, иккита бино, яъни

мемориал уй ва экспозиция кўرғазма зали таъмирдан чиқарилди.

**-Хулоса ва таклифлар.(Conclusions and suggestions).** Айни пайтда Янгийўл шаҳридаги ушбу манзилда Усмон Юсуповнинг ҳаёти ва фаолиятдан ташқари, яқин ўтмиш ҳақида ҳам қизиқarli маълумотлар тақдим этилади. Музей таъмирдан чиқарилганидан сўнг бу ерга келувчилар сони ошган. Хусусан, ўтган 2020 йили масканга 12 мингга яқин одам ташриф буюрди. Улар учун экскурсиялар ташкил этилди. Музейнинг бешта бадий бозатилган зали кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

#### АДАБИЁТЛАР

1. [www.e-tarix.uz/](http://www.e-tarix.uz/) Нуриддин Муҳитдинов/ Усмон Юсупов.
2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-yu/yusupov-uz-7/>
3. [www.xs.uz/](http://www.xs.uz/) Рустамбек Шамсутдинов, Юрт равнақи йўлида хизмат қилган сиймо — Усмон Юсупов/ 04.11.2020
4. ЎзРМДА, Фонд-2296, тавсиф-7, жилд-135а –Б. 36.
5. Абдураззоқов А. Абдий барҳаёт сиймолар, - Тошкент: “Турон-Иқбол”, 2019. – Б. 131.
6. <https://sof.uz/post/usmon-yusupov-uy-muzeyi-rekonstruksiya-qilinmoqda>
7. Абдураззоқов А. Абдий барҳаёт сиймолар, - Тошкент: “Турон-Иқбол”, 2019. – Б. 129.
8. Усмон Юсупов уй-музейи маълумотномаси.
9. ЎзРМДА, Фонд-2296, тавсиф-7, жилд-135а –Б. 35.
10. <https://daryo-uz.cdn.ampproject.org/v/s/>
11. <http://toshvil.uz/uz/muzejlar-utmisdan-suzlajdi-ehud-usmon-usupovning-ujini-angijulliklardan-surang>
12. Дом-музей Усман Юсупова, -Ташкент: «Ўзбекистан», 1990. –С. 23.
13. Усмон Юсупов уй-музейи маълумотномаси.
14. Абдураззоқов А. Абдий барҳаёт сиймолар, - Тошкент: “Турон-Иқбол”, 2019. – Б. 128.
15. [www.e-tarix.uz/](http://www.e-tarix.uz/) Нуриддин Муҳитдинов/ Усмон Юсупов